

Турсунали ҚУРБОНОВ  
Бобосодиқ ЛАТИПОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
Фарғона вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси  
Фарғона вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва малакасини ошириш институти

# ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

“ФАРҒОНА” НАШРИЁТИ  
НАЗОРАТ НУСХА

Фарғона- 2013

УДК: 37.018.1

КБК: 87.7

Q 80

*Жика*

**Қурбонов Турсунали, Латипов Бобосодиқ**

**ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА: ўғитлар/ Қурбонов. Т, Латипов. Б.**  
– Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2013. – 88 б.

**Тақризчилар:**

**Н. С. Темиров,**

педагогика фанлари доктори, профессор

**М. Аҳмедов.**

техника фанлари номзоди, доцент

*Халқимиз бахт тушунчасини тўғридан-тўғри оилавий ҳаёт билан боғлаб талқин қилади. Ҳар томонлама баркамол фарзандларни тарбиялаб, уларни эл қаторига қўшишни умрнинг бош мазмун-моҳияти, юксак саодат деб билади. Бундай эзгу орзу-ниятларнинг ушалиши учун эса барпо этилган оила қўргони мустаҳкам бўлиши лозим. Оила қуриш арафасида турган ёшлар ушбу китобда баён этилган ҳаётий тавсияларга, ибратли ўғитларга амал қилсалар, келажакда ўзлари учун чиникам бахту саодат эшикларини оча оладилар.*

*Ю 41428  
2*


УДК: 37.018.1

КБК: 87.7

ISBN 978-9943-349-67-4

© Қурбонов. Т, Латипов. Б, 2013

© «Фарғона» нашриёти, 2013



## КИРИШ

### Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

*Ж. Саитаяна.*

Балоғат ёшига етиб, оилавий ҳаёт остонасида турган азиз ўғил-қизлар! Сиз бугун инсон ҳаётидаги оила куришдек масъулиятли ва муқаддас вазифани бажариш арафасидасиз. Бу ишни обдон ўйлаб, «етти ўлчаб бир кесиб» амалга оширишингиз керак. Бу йўлда адашсангиз, келгуси ҳаётингизда бир умр шу хатонинг захрини тотиб яшайсиз. Келинг, сўзимизни «Хатога йўл қўймаслик учун нималарга эътибор қилиш лозим?» деган саволга жавоб тарзида ушбу ривоятни баён этишдан бошлайлик.

Айтишларича, бир одам нонвойхонадан ҳар куни учта нон сотиб оларкан. Воқеани кузатганлар ҳайрон бўлишиб, бир-бирларидан сўрабдилар: «Нега бу киши ҳар куни учта нон сотиб олади? Кўп ҳам олмайди, оз ҳам?». Эртаси куни ўша одам яна келиб, нон сотиб олиб кетмоқчи бўлиб турганида, сўрашибди: «Оғайни, сиз ҳар куни уч дона нон сотиб оласиз, бунинг сабаби нимада?». «Мен, – деб жавоб берибди ҳалиги одам, – бу учта ноннинг биттасини қарзимга, биттасини қарзга бераман, биттасини ўзим ейман». Одамлар ҳайрон бўлиб яна сўрабдилар: «Бизга тушунтириб беринг, сиз кимга қарзингизни берасиз-у, кимга қарзга берасиз?». Шунда у дебди: «Битта нонни қарзимга – ота-онамга бераман, чунки улар мени боқиб катта қилганлар. Улардан умрбод қарздорман. Битта нонни эса қарзга – фарзандларимга бераман, улар ҳам қариган чоғимда қарзларини узиб, мени боқадилар. Биттаси-

ни эса ўзим сйман». Бу жавобни эшитганлар ҳалиги кишининг донолигига қойил қолишибди.

Азиз фарзандларим, шуни билингки, ҳар бир йигит-қизнинг бошида нонвойхонадан ҳар куни учта нон сотиб оладиган одамнинг қисмати бор. Албатта, сизлар ҳам ота-онангиз олдидаги қарзингизни узиб, уларни парвариш қилишингиз керак. Шунингдек, ўғил-қизларингизни, оилангизни боқиб, едириб-ичириб, тарбиялашга масъулсиз. Хулоса шуки, ҳаётда ҳеч ким ёлғиз ўтмайди. Балоғат ёшига етгач, ҳар бир ўғил-қиз ўз жуфтини топиб, у билан оила куради. Ота-она бўлиб, фарзанд тарбиялаб, ота-онаси, ватани ва халқи олдидаги бурчини адо этади. Аммо, кадрли ёшлар, «Оила» деб аталмиш ҳаёт кўрғони ичида сизлар ўзларингиздан кўпайиб, ували-жували бўлиб, фаровон ҳаёт кечирасизларми, ёки бунинг акси бўладими, бу сизларнинг оилавий ҳаётга қанчалар тайёр бўлиб боришларингизга боғлиқ. Шу боис оила нима, оилавий ҳаёт сир-асрорлари нимада, деган саволларга жавоб бериб, унга тайёрланиб боришингиз учун сизларга кўмаклашмоқни мақсад қилдик. Биз оилавий ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилиб, унинг сир-асрорларини ўргатмасак ҳам, табиийки, бу йўлни босиб ўтасизлар, ота бўласиз, она бўласиз, оилавий ҳаётга кириб борасиз. Бироқ сиз бу тилсимли дунёга унинг исталган жумбоқларини еча оладиган, ҳар қандай қийинчиликларини енгиб ўта оладиган ҳолда борасизми, ёки нотаниш хонадонга тасодифан кириб қолиб, не қиларини билмай хижолат тортган меҳмон ўрнида борасизми, ҳамма гап шунда. Ана шуларни ҳисобга олиб, сизни оилавий ҳаёт сабоқларидан баҳраманд қилишни лозим топдик.

## ҲАЁТ БОР ЭКАН...

Инсон учун Ватан ва оиладан кўра муқаддасроқ тушунча бўлмаса керак. Одамзот бутун умрини шу икки улуғ даргоҳ оғушида ўтказди, униб-ўсади, ўз ҳаётининг давомчиси бўлмиш фарзандларини ўстиради, тарбиялаб вояга етказди, жамиятга қўшади. Аслида, Аллоҳ инсонни яратар экан, уни эркак ва аёлдан иборат қилиб, уларни муҳаббат риштаси билан ўзаро чамбарчас боғладик, ҳаётда бу икки жинс бири бирисиз яшай олмайдиган бўлди. Шу боис оила қурилади, шу боис бу жуфтлар никоҳ асосида халолу-пок бир ёстикка бош қўядилар.

Ёшликда оҳ-воҳ чекиб, бир-бирига ошику бекарор бўлган икки қалб муродга етишгач, ишқ ўти, хою-ҳаваслар бироз пасаяди. Ана шу бўшлиқни тўлдириб, Аллоҳ бу жуфтликнинг орасини янада мустаҳкамлаш учун фарзанд деб аталмиш улуғ неъматни беради, юракларига ота-оналик меҳр риштасини қаттиқ боғлайди. Бу билан улар ота-она деган мақомга эришадилар. Энди улар фарзанд деб аталмиш дилбандларидан озгина узок бўлсалар, қалбларига боғланган ришта таранг тортилиб, кўнгил безовта, юрак оғрийдиган бўлади. Шу боис ота ва она ўз муҳаббатлари мевасини жонидан ҳам азиз кўради, бору йўғини унинг қувончига, камолотига, саломатлигига бағишлайди. Фарзандлари келажаги тўғрисида ширин хаёллар, буюк мақсадлар билан яшайди. Ҳа, азизлар, фарзанд ота-онанинг эзгу мақсадлари, ёрқин келажаги-ю, бахтли кексалиги бўлиб гавдаланади. Бу билан инсон беҳад қувонади. Аммо Аллоҳ инсонга яна синов назари билан боқади, яна анчагина мушкул юмушни раво кўради. Бу юмуш фарзандни камолга етказиш, уни мўртгина ниҳолдан мустаҳкам, мевали дарахт-

га айлантиришдан иборат. Ота-она энди ана шу меҳнат билан боғланиб қолади. Бу меҳнат машаққатли ва масъулиятли бўлиб, у «тарбия» деб аталади. Кимки ушбу муҳим вазифани канчалик яхши уддадай олса, унинг дилбанди шунчалик оқил ва доно, билимли бўлиб вояга стади, жамиятда ўз ўрнини топиб олади. Кимки бу борада бепарволик қилса, масъулиятни сезмаса, унинг «меvasи» аччиқ, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам таъбини хира қилувчи бебурд бўлиб етишади. Шундай қилиб, тарбия инсон ҳаётида, жамият тараққиётида ҳамиша долзарб масала бўлиб қолаверади.

Инсон ҳаётда ҳамиша сезгир, зукко ва албатта, ҳушёр бўлиб, атроф-муҳитдан, табиатдан, ҳаётдан ўрнак олиб яшашга мажбур. Оддий дарахтни ҳам кимдир яхши парвариш қилиб, ортиқча шохларини бутаб, вақтида сувини, ўғитини берса, мевалари ширин, ҳосили мўл бўлиб, боғбонни боқади. Боғига етарли эътибор бермай, ниҳолларининг ёшлигиданоқ шохлаб кетишига йўл қўйган боғбон эса, ортиқча шох-шаббаларга ўраниб қолган дарахтдан мўл ҳосил ололмай доғда қолади. Демак, ўзига хос ниҳол саналган фарзанд тарбиясида ҳам унинг ортиқча шохларини (ҳавойи истакларини, нафс хуружларини) ўз вақтида «бутаб, шакл бериш» лозим. «Гар инсон олмаса ҳаётдан таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» мақоли худди шунга ишора қилади.

Келинг, «Оила нима?», «У қандай қурилади?», «Оила мустақамлигига қандай эришилади?» деган саволларга жавоб излайлик. Юқорида баён этганимиздек, дунёда ҳамма нарса жуфт яратилган: кеча кундуз билан, ёруғлик қоронғулик билан, очлик тўқлик билан ва ҳоказо. Худди шунингдек, инсон эркак ва аёл қилиб яратилди. Лекин шу билан бирга, ўзига муносиб жуфт топиб, оила қуриш, унинг ҳаётини пойдеворини қўйиш ва мустақамлигини таъминлаш, жуфти билан бахтли, беармон тарзда қўша қариш мураккаб ва машаққатли жараён-дир.

Эй азиз фарзанд, ота бўлгувчи, она бўлгувчи зот! Биз инсонларга оила деб аталувчи шундай ширин неъмат ато этилганига шукур қилинг. Агар оила деб аталмиш давлатдан бенасиб бўлганида борми, одамзоднинг холи не кечарди? Ҳайвонлар каби ётар-турарининг тайини бўлмасди. Ҳа, оилавий ҳаёт фақат инсонларгагина насиб этган. Шу боис оила қуриб, фаровон турмуш кечириш инсонларнинг азалий орзусидир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганларидек: «Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди»<sup>1</sup>. Шу боис оилавий ҳаётга киришишдан аввал шошилмай, ўзингизга бир умр садоқатли жуфт бўладиган, феъл-атвори ҳам сизга, сизнинг феъл-атворингиз унга тўғри келадиган жуфтни топишга ҳаракат қилинг. Тўйдан кейин ҳеч қанча ўтмасдан бир-бирингиздан айб ахтарманг, оилани бузманг. Оила муқаддас, унда фақат эру хотингина эмас, инсон учун жонидан ҳам азиз фарзандлари, ота-онаси ва бошқа кадрли кишилари бирга яшайди. Уларни ҳам ғам-ғуссага қўйиш, фарзандларни тирик етим қолдириб кўз ёшини тўкиш, бахтсиз қилишдек кулфатлардан ўзингизни сақланг.

Эътибор беринг-а, барча жонзотлар, ҳатто қушлар ҳам ин қуриб, бола очиб, уларни вояга етказиб, учирма қилмагунларича ўз жуфтлари билан иноқ яшайдилар. Қалдирғочларни каранг, инлари мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши, келажакда полапонларига зарар етмасин учун одамларга ўзларини яқин тутиб, уларнинг уйларига ин қурадилар. Лайлақлар ҳам улкан дарахтларнинг энг баланд шохларига, ҳатто юқори кучланишли электр токи ўтадиган симёғочларнинг тепасига уя қурадилар. «Биз ўз жуфтига ва болаларига мана шундай садоқатлиларданмиз, кўриб қўйинг!» – дегандай, ўз жуфтлари ёнига бир оёқлаб, викор билан савлат тўкиб турадилар. Улар

<sup>1</sup> Ислоҳ Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Тошкент «Маънавият». 2008. 56-бет.

ҳам полапонларини учирма қилиб, тўдага қўшмагунларича ажрамайдилар. Аммо минг афсуски, Аллоҳ томонидан бекаму кўст қилиб яратилган ҳазрати инсон қурган оилада бузилишлар-ажралишлар кузатилиб турибди.»Фалончининг оиласи бузилибди» деган гапни эшитганингда қалбингга титроқ киради. Бутун вужудингга гўё муздек сув сепилади, кўз ўнгингга тирик етим бўлиб қолаётган, кўзлари жикка ёш бахти қаро гўдаклар келади. Ёрдамга шошиласан, насиҳат қиласан, маслаҳат берасан, аммо фойдасиз...

– Нега ажрашяпсизлар?

– Характеримиз тўғри келмаяпти.

– Эй инсон, оила қуришда онгсиз, тил-забонсиз қалдирғоч адашмайди-ку, лайлак адашмайди-ку. Полапонларини бағрига босиб, қатта ҳаётга йўллагунича ўз жуфти билан аҳил бўлади-ку! Ахир шу ҳақир жонзотларда болаларининг соғ-омонлиги учун бардош, чидам бўлса, сенга нима бўлди, ҳазрати инсон?! Ҳеч йўқ лайлакдан ўрнак ол! Уям бузилмасин, болаларимга хавф-хатар етмасин деб, қору ёмғирларга, довулу шамолларга дош бериб, ўз уясини ташлаб кетмай, тумшукларини бир-бирига уриб қақирлатиб, »Мана мен тиккаман, болаларимга яқинлашма!» – дегандай собит туради-ку. Шу тил-забонсиз қушлар «болам» деганда, ўз фарзандларининг эртасини, уларнинг келажагини ўйламай, муқаддас оилага путур етказётган айрим ёш ота-оналарга нима дейиш керак?!

– Шошилмай тур, янгисини, яроғлисини, чиройлисини ахтармай тур, кўр, ахир инсонсан-ку. Инсонларда бир-бирини кечириш, бири иккинчисининг хатосини тузатишга ёрдам беришдек олийжанобликлар бор-ку. Ўйлаб кўр, эй ўғил, ўйлаб кўр, яхши киз! Бугун ўз жуфтингнинг феълу атвори ёкмай ажрашсанг, ҳаётда яккабош ўтмайсан. Кейингиси билан характеринг тўғри келишига ким қафолат беради? Балки унисининг феъл-атвори янада баттарроқ бўлса, тўғри келмаса-чи?



У ҳолда учинчисига кучоқ очасанми? Буниси янада бедаво бўлса-чи? Тўртинчиси, бешинчи, олтинчиси ва ҳоказоми? Унда сенинг бурдинг, тутруғинг колмайди-ку! «Эл оғзига элак тутиб бўлмайди». Одамлар сенга бевурд, суюқоёқ, ёки «жисмонан чатоқ» деган лақабларни қўядилар. Унда ким бўласан?! Эй азиз ўғил-қизлар, оилавий ҳаётнинг мураккаб томони шуки, жуфт танлашда қиз ҳам, ўғил ҳам адашмаслиги керак. Агар адашган бўлсанг, «Чекингга тушганга чекчайма!» дарров уни ёмонга чиқарма. Сабр қил, ҳар биринг айбни ўзингдан ҳам ахтар! Оила кўрғонини дарз кетказиб, вайрон қилиб, бузганларнинг кўпи ҳаётда афсус чекканлар. «Кейинги пушмон ўзингга душман» дейди халқимиз, сабр қил. Аввал оила қуриб бахт топганлар, кекса ота-оналар, ота-онанг каби нуруний инсонлар билан маслаҳатлаш! Оилани бузмаслик йўлини ахтар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу рисолада сиз ўғил-қизларнинг оилавий ҳаётга киришда адашмаслигингиз учун ҳаёт тажрибаларига, олимларнинг айтганларига ва ота-боболаримизнинг ўғитларига асосланиб муҳим йўл-йўриқлар бериб ўтмоқчимиз. Марҳамат, диққат билан ўқинг, мазмунини тушунинг, амал қилинг.

## **ПОКЛИК, ОР-НОМУС ИНСОНГА ХОС ФАЗИЛАТЛАРДИР**

Ёшларнинг урф-одатларимизни ҳурмат қилишлари, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари ўзларининг ёрқин келажак эгаси бўлишларига, оилавий ҳаётни тўғри йўлга қўйиб, бахтли ҳаёт кечиришларига имкон беради. Буни яхши тушунган бўлсангиз керак. «Эски одоб-ахлоқ қоидаларига, удумларга риоя қилиш шартми, дунё янгиланди, техника, атом, электроника асрида яшаяпмиз» деган фикр туғилар балки, бу эътирозингизга жавоб шу: Ҳа, ахлоқ-одоб қоидаларимизга, халқимизнинг удумларига риоя қилаверамиз, миллий кадри-

ятларимизни эъзозлайверамиз. Чунки бу маънавий бойликларимиз асло эскирмайди, балки инсонларни ҳамиша тўғри йўлга, ҳалоллик ва покликка бошлайди. Улар бир неча минг йиллар ичида танланиб, синовлардан ўтиб, сараланиб, фойдалиси қолиб, фойдасизлари, ҳаётий талабларга жавоб бермаганлари чиқариб юборилган. Халкимиз ҳамиша ва ҳар қачон ўз удумларига, ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилади.

Демак, балоғат ёшидаги қиз, балоғат ёшидаги йигит, сиз бўлажак она, бўлажак ота ҳам миллий удумларимизга, урф-одатларимизга содиқ бўлишингиз керак. Демак, никоҳ кунига етиб боргунча сабр килинг, одоб сақланг. Икковингиз ҳам шарму ҳаёли бўлинг, шунда барчага ёқасиз. Куйида ўз иффатини, ор-номусини деб жасорат кўрсатган бир қизнинг бошидан ўтган воқеани сизга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

«Ўша кунни Жамила дугонасиникига бориб, кечга қолиб кетди. Уйидагиларнинг хавотир олиши эсига тушиб, йўлга отланди. Дугонасининг: «Бугунча қолақол, эртага борасан», – деганига ҳам эътибор бермади. Дуч келган йўловчи машинага қўл кўтариб, ҳайдовчидан манзилига олиб бориб кўйишини илтимос қилди. Машинадаги икки йигит бир-бирларига кўз уриштириб, «чиқинг», дейишди. Атроф қоп-қоронғу. Анча юришди, Жамила хавотирлана бошлади. Ҳайдовчига: «Адашиб қолмадингизми? Тўғри кетаяпмизми?» – дея савол берди. «Хавотирингиз ўринсиз, яхши қиз, айтган жойингизга олиб бориб кўямиз», – дейишди йигитлар. Аслида йигитларнинг нияти бузилган эди. Жамила ичида худога илтижо қилиб кетди. Қабристон яқинига етганда машина бузилиб қолди. Иккала йигит ҳам машинани тузатишга киришишди. Шу фурсатдан фойдаланган Жамила ўзини қабристонга урди. Ҳайдовчи ва шериги уни орқасидан қувиб боришди-ю, аммо қабристонга киришга юраклари дов бермади. Сўкина-сўкина, машинага ўтириб жўнаворишди. Жамила очилиб қолган бир қабр ичидан паноҳ

топди. Эрталабгача минг бир кўрқув билан ўша ерда ўтириб чиқди. Тонггача ёнидаги қабрдан йиғи товуши эшитилиб турди.

Эрталаб уст-бошини қоқиб, йўлга чиқаётган эди, кўзи бир тўда мотамсаро аёлларга тушди. Унинг хаёлидан «кечаги йиғи товуши янги қабрдан чиққан эканда», деган фикр яшин тезлигида ўтди. Аёлларнинг орқасидан бориб, тундаги воқеани айтиб берди – дархол гўрковни чақиришди. 17 ёшли йигитни ток урган экан, ўзига келавермагач, ўлди деб ўйлашиб, кўмиб қўйишибди. Қабрдан олишганда, у хушидан кетган экан. Йигитни уйига, Жамилани эса айтган манзилига элтиб қўйишди. Такдирнинг сир-синоатини қарангки, орадан уч йил ўтгач иккаласининг тўйи бўлди. Қайлиғи ўша йигит эканлигини Жамила келин бўлиб тушгандан кейин билди»<sup>2</sup>.

Ана сизга шарму хаёсини, иффатини сақлаган ор-номусли қизнинг жасорати. Агар жони ширинлик қилиб, қабристонга қочиб киришдан кўрқиб, «Қоронғуда қочиб қаерга ҳам бораман, нима бўлса бўлди»,– деб машинада ўтираверганда, иккала кўнгли бузуқ йигит қизнинг номусига теккан ва уни бир умрга тавқи-лаънатга қўйган бўлар эди. Жамиланинг ота-онаси, ака-укаси, қариндошлари эса, эл ичида бош кўтариб юролмайд қоларди. Аммо Жамила ҳар қандай кўрқувни, ҳар қандай хавфни енгиб, ўз номусини сақлаб қолди. Бундай бокира, иймонли қизни эса, Аллоҳ қўллади ва унга бир умр бошига кўтариб, «халоскорим» деб эъзозлаб юрадиган жуфти ҳалолни рўбарў қилди.

---

<sup>2</sup> «Оила ва жамият» газетаси. 2000 йил. №8. 23-29 феврал.

## СЕВИШ-СЕВИЛИШДА АДАШМАНГ

Сиз балоғат ёшига тўлдингиз, зарарли одатларга ўрганмадингиз, жисми-жонингизни чиниқтирддингиз. Мушакларингиз ривожланиб, кадди-қоматингиз кўз-кўз қилса арзигулик даражада кўркам бўлди, билакларингизни буксангиз, мушакларингиз бўртиб чиқади. Танангиз тўла куч, ўзингиз соғломсиз, ақлу-одобингиз, хулку ахлоқингиз ҳам ҳавасга лойик. О, қандай бахт! Насиҳатга кулоқ солган, катталарнинг тажрибасидан ўзига сабоқ олган, доимий жисмоний машқлар бажарган, зукко ва доно йигитлар шундай бўлади. Уларни нафақат қизлар, бошқа ота-оналар ҳам яхши кўрадилар. Ўзларига билдирмасалар ҳам, ичларида, «Вой бўйингдан айланайин-ей, бу кимнинг ўғли? Қани энди шу йигитни куёв қилсам», – деб орзу қилишади. Ҳа, бу сизнинг бахтингиз, бахтингизнинг очилгани шу. Агар сиз насихатларга беэътибор, камҳаракат, эринчоқ ва лоқайд бўлиб, ўз жисмингизни чиниқтириш ўрнига зарарли одатларга берилган, ичувчи, чекувчи, гиёҳванд, нимжон ёки касалманд йигит бўлганингизда борми, сизга ким ҳавас қиларди? Қайси кизи бор ота ёки она нашаванд, гиёҳванд деган тавқи-лаънатга учраган йигитни куёв қилгиси, унга ўзининг жигаргўшаси, ҳаётининг ёруғ чироғи, фарзандини – қизини бергиси келади. «Бети курсин, шу ҳам йигит бўлибдими?» деб уни куёв қилишдан қочади. Ҳаётда бундай гапукмас, нафс кўйига кириб, йўлидан тойганлар камми?

Яна бир ўйлаб кўринг-а, бўйига етган, ҳар бир йигит, ҳар бир қизнинг таърифи маҳалла-кўйда, маърака-мавлудларда, халқ орасида гап бўлади, муҳокама бўлади. Йигит ёки қиз хоҳласин- хоҳламасин, маҳалладаги хонадонларда, таниган-билганлар орасида уларнинг «иғвосини» қилишади, тўғрироғи, улар ҳақида гапиришади. Эшитгандирсиз, кулоғингизга кир-

гандир, «Фалончининг ўгли бирам яхши йигит бўлибди-ки», ёки, «Э, фалончининг ўглими, бети курсин уни, ўтган йили ўғирлик қилиб қамалиб келди», ёки, «Қамалганга қиз бераманми, қўйинг, қўйинг, Худо асрасин», деган гапларни.

Ҳа, ўғлоним, Худо йигит кишини шундай балолардан, тавқи-лаънатлардан асрасин. Ёш туриб, балоғат остонасидаёқ нафсини жиловлай олмай, яхшироқ еб-ичиш, улфатчилик қилиш мақсадида бировларнинг мол-мулкини ўғирлаб, қамалиб, эл-юрти олдада шармисор бўлаётган йигитлар учраб турибди-ку.

Инсон хоҳ ёш бўлсин, хоҳ катта, ўз пешона тери билан ҳалол ризқ топишга ўрганмабдими, демак унинг аҳволига вой. Бугун бирни, эртага қирни ўғирласин, барибир, бири икки бўлмайди. Ўғрининг бой бўлганини эштиганмисиз? Йўқ, ўғри бойимайди, қиморбоз бойимайди, бири икки бўлмайди, топгани юкмайди. Бир кун келиб, эртами-кечми ўғирлиги ошқора бўлади, қўлга тушади, ё қалтак еб ўлади, ёки мажруҳ бўлади, ёки панжара орқасидаги ҳаётга ўтади. «Ўғри» деган тавқи лаънат устига «қамалган» деган тамға ҳам илиб олади. Ана шу саёқ юрганнинг таёқ егани, ана шу топганига шуқур қилмай, бировнинг топганига кўз олайтирганнинг аҳволи.

Ўғри ўзинигина эмас, оилани, ота-онани ҳам шармисор қилади, юзини ерга қаратади. Ота-она тенги-туши ичида бўйни эгик юради. Одамлар орасидаги бетгачопарлар: «Ҳамма гапирса ҳам, сен гапирма, аввал ўғлингни йўлга сол!» деган дашномларни бериб, ота-онани ҳам, ака-укани ҳам юзини ерга қаратади.

Ўғрилик Ислом динида ҳам қаттиқ қораланади. Бундай жинойатга қўл урганлар давлатимиз қонунларига биноан жазога тортиладилар.

Ўғлоним, ўғрилик қай даражада ифлос, чиркин иш эканлигини тушундингизми? Бундай ишлардан ўзини асраб, бинойидек, бўй етган ўғил ёки қизнинг ота-онаси бахтли. Ота-онасини бахтли қилаолган фарзанднинг ўзи ҳам бахтлидир.

Эътибор берганмисиз, агар ота-оналар, маҳалла-кўй сизнинг ҳақингизда шунчалар гап қилишса, баҳо беришса, хулқу атворингизни «элак»дан ўтказишса, кизлар-чи? Қизлар орасида сиз ҳақингизда гап бўлмайдими дейсизми? Қизлар ҳам таниш йигитлар ҳақида гапиришади. Йигитларнинг юриштурушию, хулқ-атвори, муомала-муносабатларига баҳо беришади. Шу жумладан, сизга ҳам. Ўшанда кизлар даврасидаги «муҳоқама»ларда ҳам ютиб чиқсангиз, улар сиз ҳақингизда оғзиларидан бол томиб, кўпгина хислатларингизни мактаб гапиришса, ҳавас қилишса, билингки, сиз рисоладаги йигит бўлибсиз. Элга, халққа, тенгу тушингиз, йигиту қизга ёқибсиз. Бу – бахт, бундан қувонинг. Қувонингу, гердайманг, эсхушингизни йўқотиб, мағрурланманг. Атрофдан қанчалар ўзингиз ҳақингизда мактов эшитсангиз, шунчалар ўзингизни паст олинг, камтар бўлинг. «Камтарга камол, манманга завол» дейди халқимиз. Сиз бу иборанинг маъзани чакинг. Одам обрўни мисқоллаб топади, аммо ботмонлаб йўқотади. Бунинг маъноси шуки, бир умр қийналиб эришган обрўингизни бирикки бемаъни қилингиз билан йўқотишингиз мумкин, шунга эҳтиёт бўлинг.

Яна бир нозик томонига эътибор беринг. Сизнинг ёкимтой, барно йигит эканлигингизни кизлар оғиз тўлдириб гапираётганларида, қайсидир бири: «Дугонажонлар, бас қилинглар, ҳадеб битта йигитга ёпишиб олиб мактайвермай, бошқасига ҳам ўтинглар», – деб, қошларини чимириб қовоғини солса, дугоналари: «Ҳа, намунча қовоғинг уйилиб кетди, нима, рашкинг келяптими? Очиғини айтиб қўяқол, бу йигитни ўзимга қўйиб беринглар, керагича ўзим мактайман, демоқчимисан? Ҳа писмиқ, юрагингдан уриб қолибди-да», – десалар, уялиб, кизариб ерга қараса, демак, у чамаси сизни севиб қолибди. Ҳали бу гумон, очилмаган кўрик, кизларнинг қалби. Аммо «касални яширсанг, истимаси ошқор қилади». Аста-секин ди-

лидаги ташига чиқиши, сизга ўзи айтолмаса ҳам, қайсидур дугонаси орқали ишора бериши мумкин. Ахир қиз бола ўғил боладек ошқора севги изҳор қилмайди-ку. Сизга нисбатан муносабатининг ўзгариши, майин-мулойим бўлиб қолиши, сиз билан гаплашганда энтикиб кетиши, қизариб ерга қарashi, буларнинг бари севги-муҳаббат аломатидир. Демак, сизни севиб қолибди, демак, сиз севилибсиз, сиз Аллоҳнинг севган бандаси экансиз. Муҳаббат деб аталган олий туйғу, қалбдан қалбга томир отувчи гўзал бир ришта, қиз томондан томир ота бошлабди. Бунинг шукронасини қилинг. Негаки, ҳамма ҳам севилмайди, ҳаммага ҳам бировнинг ишки тушавермайди. Аммо ўша сизга юраги талпина бошлаган қиз, эҳтимол сизга ёқмас, юрагингизни эгаллаган бошқа қиз бордир. Бу табиий, бўлиши мумкин ҳолат. Унда сиз бу қизга: «Сени севмайман», деб, қалбини синдирманг! Қўчол гапирманг! Дўсту танишларингизга бу ҳақда мақтанманг, қиз боланинг обрўсини ерга урманг. Бу энг ёмон одат! Агар ҳақиқатдан ҳам севмасангиз, йўли билан ўзига тушунтиринг, ёки яқин дугонаси орқали унга бу ҳақда етказинг.

Севги-муҳаббат иши шундай, баъзан севганинг севмайди, севмаганинг севади. Нима бўлганда ҳам, сизга илк бор севги изҳор қилган қизни ҳурмат қилинг, севмаслигингиз мумкин, аммо ерга уришга, камситишга ҳаққингиз йўқ. Буни яхши тушунинг, одамийлик чегарасидан чиқманг. Агар сизни ёктириб қолган ўша қизнинг сиз билан учрашгандаги муносабатлари сизга ҳам ёқса, ёки сиз ҳам бу қизни узоқдан кузатиб юрган бўлсангиз-у, бугун мақсадингизга эришган бўлсангиз, яъни сиз ҳам уни севиб қолиб, иккиланиш, ҳаяжонлар билан унга севги изҳор қилган бўлсангиз, бу – катта бахт. Демак, сиз ҳам севилибсиз, ҳам севибсиз. Сизни дилдан табриклаш, муборакбод қилиш мумкин. Демак, сизнинг қалбингизда муҳаббат бор экан, бахтли инсонсиз! Энди бу муҳаббатнинг сармаст

килувчи тотли кучи қалбингизга ўт қўяди. Севгилингиз ви-солига ошиқасиз. Унинг яқинига бориш, унинг ўтли нафаси-ни учириб келаётган майин шабадага кўкрак тутиш нақадар ҳузурбахш, нақадар завқли эканини ҳис этасиз. Севгилингиз бир зум кўринмаса, бир нафас кечикса, йўлларига интизор бўласиз, тоқатингиз тоқ бўлади. Шоир айтганидек:


Йўлларингда бўлиб интизор,  
Термуламан тоқатларим ток.  
Қуёш бўлиб, севгили дилдор,  
Чиқа қолсанг кошкийди тезрок.

Бу бетоқатликлар узокқа чўзилмади. Ана, севгилингиз аста дарвозани қия очиб каради, сизни кўрди, келяпти! Сиз учун куёш чиқди, гўё бутун оламни нурга чулғаётган куёш икки-та бўлди. Бири оламни, одамни, сизни тафти билан иситиб, нурлари билан ёритиб, ҳаёт бахш этаётган бўлса, иккинчиси қалбингизни ёритмоқда, жисмингизга ором, жонингизга дар-мон бахш этмоқда. Осмондаги куёшнинг сиз билан иши йўқ, ўз йўлидан қолмай одимламоқда. Иккинчиси сиздан кўз уз-майди, сизга яқинлашмоқда, мана етиб келди, унинг ўтли на-фаси бағрингизга тегди. У ҳозир кўксингизга бош қўймоқчи. Сиз эса, сочларини силайсиз, юзларига термулиб, кўзларига хуморсиз-у, киприklarини санайсиз. У сизники, у фақат сизни севади, сиз уни севасиз. Шунинг учун бағрингизга босмоқчисиз. Аммо андак тўхтанг, ўғлоним, шошилманг, бир зум нафасингизни босинг. Ахир сиздан бошқалар ҳам севишган-ку, сизнинг отангиз, онангиз, бобонгиз, момон-гиз, аждодларингиз ҳам севишганлар. Уларнинг ҳурмати, марҳумларнинг иззати учун бир оз ўтмишга назар солайлик-чи, улар севишганда, илк бор учрашганда, никоҳдан аввал сев-гилисини бағриларига босганми, бошларини силаб, лаблари-дан бўса олганми?



Буни сиз билмайсиз, биз катталар биламиз, эшитганмиз, кўрганмиз, ўқиганмиз. Яхшиси, сизга бу жумбоқни ўзимиз ечиб берайлик, шунда сизга осон бўлади. Факат тошиқманг, нега менга бу саволни берасиз, яхшиси кўчага чиқинг, хиёбонларга, паркларга боринг, телевизорни ёқинг, ҳамма севишганлар бир-бирлари билан оғиз-бурун искашиб ётишибди-ку, нега энди биз ўпишмайлик, ахир менинг бундай қилишим, оғушимда турган севгилимни қучмаслик, унинг гулгун лабларидан бўса олмаслик йигит кишига уят-ку! Бу замондан орқада қолиш-ку, дерсиз. Ҳозирча сиз ҳақсиз. Дунёдаги кўп-лаб тенгдошларингиз каби, экранда намоён қилинаётган сериаллардаги ошиқ-маъшукларга ўхшаб иш тутсангиз, ҳатто тўйгача қаноат қилмай, беҳаё қилмишларни амалга ошириб, ҳарир либосдаги келин боланинг қорнини қаппайтириб, етаклаб келсангиз, ота-онангиз, кўни-кўшнингиз, қариндош-уруғлар ва тенгдошларингиз қандай қарши оларкин, бу ҳақда ҳам чуқурроқ ўйланг. Шуни билингки, ҳамма ишлар ҳам қонун йўли билан бошқарилавермайди. Маҳалла, жамоатчилик назорати, ахлоқ-одоб қоидалари ва кадриятлар асосида ҳам бошқарилади. Бу қонун-қоидаларга ҳам амал қилишингиз зарур.

Акс ҳолда, миллатингиз, халқингизнинг урф-одатларини ҳурмат қилмаган бўласиз. Ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатлари бор. Масалан, оврўпаликлар ярим яланғоч кийинган эркак ёки аёлни уятга санамайди. Севган қизини бағрига босиб, лабларидан бўса олишни оддий ҳол деб биладилар. Бу уларнинг эътиқоди, урф-одатлари. Бизлар эса Шарқ фарзандларимиз. Шарқда инсон моҳиятини ҳаё, орномус ва одоб-ахлоқ белгилайди. Буни унутманг асло! Хулоса шуки, дунёда халқ кўп, миллат кўп. Ҳар қайсисининг ўз дини, ўз эътиқоди, ўз урф-одатлари бор. Биз ўзбеклармиз, динимиз—Ислом, мусулмонмиз. Ислом динида эркак ва аёлнинг юриш-туриши, кийиниши, ахлоқ-одоби белгилаб қўйилган.



Ўрни келганда шуни ҳам эслатиб ўтайлик. Оврўпада биздагидек 7-8 ойлаб куёшли кунлар бўлмайди. Куёшли кунлари кам, нам ҳаво ва совуқ кунлари кўп. Шу сабабли улар куннинг иссиқ пайтларидан унумлироқ фойдаланиб, куёшда кўпроқ тобланишни яхши кўрадилар ва кўпроқ танани очиб (ярим яланғоч) юришга ҳаракат қилишади. Шу боис бундай юришни уят санамайдилар. Бизда эса, аксинча, куёшли, иссиқ ва жазирама кунлар кўп. Ярим яланғоч юрилса, офтоб уриб, касалланиш мумкин. Шу боис бизнинг эркак ва аёлларимиз иложи борича таналарини ёпиб юришади. Оврўпачасига кийинганларга таклид қилишга ҳожат йўқ. Айниқса, турли бачкана «клиплар»даги айрим бебурд қиз-жувонларнинг куракда турмас мақомлари-ю, қош кериб кўз сузишларини ҳам кўравермаслик керак. Чунки аёлларнинг ҳаёсизларча хатти-ҳаракатлари эркак кишининг ҳирсини кўзгайди ва бу кўзголишлар ҳам организм томонидан мажбуран сўндирилади. Бу аҳвол ойлаб, йиллаб, такрорланавергач, эркакларда аёлларга нисбатан безътиборлик кучаяди. Аёлнинг очиқ танасини кўрабериб кўзи тўйган эркаклар аёлларга нисбатан лоқайд бўлиб қолади. Бугун эркак зотининг аёлга интилишини тиклашни ўйлаб, Оврўпа олимларининг боши қотмоқда. Клипларни ҳам овруполиклар кашф қилганлар. Чунки улар ашуланинг мазмунига эмас, мусиқасига эътибор берадилар. Шу боис уларда оддий гап ҳам қўшиқ ёки ашула. Бизда эса, ашуланинг мазмунига эътибор кучли. Телевизорда ижро этилаётган Навоий, Бобур, Фурқат, Фузулий каби классикларимизнинг шеърлари билан айтиладиган ашулаларни мириқиб, баҳри дилингиз очилиб тинглаётганингизда орадан клипчикса, кайфиятингиз бузилади. Шу боис халқимизга клипнинг кераги йўқ. Ярим яланғоч ҳолдаги эркагу аёлларнинг кўриниши ҳам миллийлигимизга зиддир. Негаки, миллий урф-одатларимизда, миллий кадриятларимизда эркак

ва аёлнинг аврати (танасининг ёпиб, кўрсатмай юрадиган жойлари) белгилаб қўйилган. Чунки икки жинс вакиллари бир-бирига иңтилиб, бир-бирига кизикиб яшашлари керак.

Рабғузийнинг «Ерлар сифати» китобида шундай келтирилади: «Алқисса, Ҳазрати Ҳавони Ҳазрати Одам алайҳиссалом ўз суратида кўриб кўнгуллари завқ-шавқ бирла роғиб бўлди. «Менга ёвуқ (яқин) келгин!» деб чорладилар. Ҳазрат Ҳаво унамадилар. Уч маротаба кичкирдилар (чақирдилар), Ҳазрати Ҳаво, «Агар майл қилсанг, бери келгил», дедилар.

Охируламр Ҳазрати Одам алайҳиссалом кўпиб, Ҳазрати Ҳавонинг қошлариға келдилар. Эр кишига мазлумалар (аёллар) қошига келмак суннат бўлди. Чунончи, Ҳазрати Ҳавога майл қилдилар. Ҳазрати Жаброил алайҳиссалом келиб, айтдиларким: «Эй Одам, изтироб қилмагил, ҳар вақт Ҳаво сенинг бирла турур. Никоҳ қилмагунча раво эрмас»<sup>3</sup>.

Демак, аёл киши ёки қиз бола никоҳдан ўтмагунча, ҳеч бир эркакнинг пинжига кириши, бўса бериши, ярим яланғоч юриши мумкин эмас. Бунга миллий урф-одатларимиз, ахлоқ ва одоб коидаларимиз йўл қўймайди.

Юқорида, севгилингизни бағрингизга босишга шошилманг, деб тўхтатган эдик. Сиз эса бундай дейишимиз сабабини сўрагандингиз. Мана энди жавобни эшитинг.

Оила қуриш, эр ва хотин бўлиб яшаш бизга Одам Атомиз ва Момо Ҳавомиздан мерос бўлиб қолган. Йигит билан қиз, эркак билан аёл фақат никоҳ ўқилгандан кейингина бир-бировларига раво бўлишлари ҳам шулардан қолган. Ўзини билган, ҳурматини тушунган, келажагидан умиди бўлган ҳалолу пок, ор-номусли, ҳаё ва ифбатли қиз балоғатга етиб, ўз жуфтини топиб, никоҳ қилинмагунча бегона, нораво эркак билан яқин муносабатда бўлмайди.

Муҳаббат мавзусидаги шоҳ асарлар «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonларини ўқи-

<sup>3</sup>«Ўзбек халқ асотирлари». Тошкент. Абдулла Кодирий номидаги халқ нашриёти. 1993 йил. 27-28 бетлар.

гансиз, кино ёки видеофильмларини томоша қилгансиз. Тохир Зухрони, Мажнун Лайлини, Фарҳод Ширинни бағрига босиб, бўса олганини кўрганмисиз? Мажнун қум-сахроларда, жазирама иссиқларда, жон таслим қилиш даражасида Лайлининг висоли учун интилиб, у билан учрашганда, севгилисининг ҳеч йўқ қўлини ушлаб, ўпмади-ку. Зухранинг ишқида бутун ҳаётини тикиб қўйган Тохирни жазолаб, сандикка солиб, дарёда оқиздилар, узок Хоразмдан қайтиб, Зухранинг висолига ошиқди, етиб келди, у билан учрашди. Лекин севишганлар отилиб, бир-бирларининг пинжига кирмадилар, қучоқлашиб ўпишмадилар, бир-бирларидан бўса олиб ҳаёсизлик қилмадилар, ҳозирги баъзи ошиқ-маъшуклардек танишган кунлариданоқ турмуш қурган эр-хотиндек муносабатда бўлмадилар-ку!

Бешарм рекламалар, фильмларни, оғиз-бурун ўпишишлар-у, аёл билан эркак ўртасидаги ибосиз ишларни тортинмай кўрсатавериб, ёшлардаги ҳаё ва ибони сустлаштираётган тижорат телеканаллари кўрсатувларидагидек беҳаёликлар қилмадилар-ку! Нега, уларнинг бунга ақли етмадимикин, ёки уларнинг мижози нимжонрок эдими? Йўқ, улар Одам Ато ва Момо Ҳаволаримиз удумига риоя қилдилар. Ҳаё-ибони сақладилар.

Бўса олишлар, оғиз-бурун ялашишлар миллий ва диний кадриятларимизда таъқиқланишининг жиддий сабаблари бор. Тиббиёт илми, киз болаларда балоғат аввалроқ – 9 ёшда, ўғил болаларда эса 12 ёшдан бошланади, деб ўргатади. 16-18 ёшда эса, балоғат авж нуктага кўтарилади Бу давр киз бола учун ҳам, ўғил бола учун ҳам шахвоний қувват камолга етган, жунбушга келган ва уни бошқариш қийин бўлган палладир. Бу ёшдаги хирсни дамбадан тошиб кетиш даражасида лиммо-лим тўлиб турган тўғондаги сувга ўхшатиш мумкин. Агар шу даврда тўғондаги сувни ҳаракатга бир туртки, шамол ёки бошқа ҳодиса бўлса, сув қаттиқ тўлқинланиб, дамбани

ювиб кетиши мумкин. Бундай пўртанани ҳеч бир куч ушлаб қололмайди. Сув экинларни, турар жойларни вайрон қилади. Балоғат ёшига тўлиб, шахвоний нафси хуружга келиб, дамбани ювиб кетиш хавфида турган сув каби жўш урган йигит кишининг қўзғалиши учун ҳам озгина туртки керак. Масалан, қиз боланинг ноз-карашмалари, суйкаланиши, тор юбка, тор шим кийиб, сонларини, киндикларини очиб юриши, ва, айниқса, йигит кишига бўса тақдим этиши, видеода эркак ва аёлнинг интим ҳаракатларини кўриш бунга сабаб бўлади. Натижада хирсини жиловлолмай қолган йигит бутун вужуди, бор куч-қуввати билан қизга, аёлга ташланади. Бундай ҳолатда эркак кишининг этидан бир парчасини кесиб олсанг ҳам сезмайди.

Мана шундай ҳолатга тушиб, ҳатто ўз синглисининг ному-сига тегиб, эл орасида шармисор бўлган йигитнинг ўша синг-лиси йиғлаб-йиғлаб ёзган мактуб «Ёш куч» журналида эълон қилинган.

«Кунлардан бир куни дадам уйга видеоманитофон олиб келдилар. Агар фильм ёкса, видеоманитофон қолади, дедилар, – деб бошланади мактуб. – Оиламизнинг барча аъзолари, мен, 16 ёшли акам, ойим ва дадам билан фильмни томоша қилдик. «А операцияси» деб номланган бу фильмда ёш бир йигитнинг қувноқ саргузаштлари акс этган экан. Кейингиси Шао Линь ҳаётига оид эди. Хуллас, фильм ёқди, видеоманитофон ҳам ўзимизда қолди. Акамнинг қувончи айниқса чексиз бўлди.

Бир кун уйда ёлғиз ўтирган эдим, дадам, ойимлар ишда эди. Уйга ҳовлиқиб акам кириб келди. У жудаям хурсанд, негаки кўлида иккита кассета бор эди. Дадам йўқликларига қарамай, рухсатсиз видеоманитофони кўйдик. Биринчи фильмни кўрқув ва ҳаяжон билан томоша қилдик. Чунки фильмда бир одамхўр махлуқ ҳақида хикоя қилиниб, унинг одамларни ўлдириб ейишлари ниҳоятда даҳшатли тарзда намоиш этилар,

фильмнинг номи ҳам «Йиртқич» эди. Кейинги кино эса уятсиз фильм экан. Мен, «Ака, уялмайсизми, ўчиринг, дадамга айтаман», деб кичқирдим. Эсанкираб қолган акам бироз туриб мени тарсакилади-да, хонамга пўписалар билан қамаб қўйди. Ўзи эса, фильмини кўрди. Мен йиғлаб, анчадан кейин овундим. Бир соатлардан сўнг хонамга акам кириб келди. Унинг вазоҳати жуда ёмон эди. Кўзлари олайиб, менга яқинлаша бошлади. «Тинчликми, ака?» дейишимни биламан, у ўзини мен томонга ташлади. «Дада!» деб кичқирганимни фақат акам эшитди холос... Кейин акам, дадамга айтсанг, ўлдираман, деб чиқиб кетди. Мен, номуси топталган киз, дадам ва оймнинг жаҳлидан кўрқиб, уларга айтмадим. Бир ҳафтадан кейин эса, ўзимни ёмон ҳис қилдим. Ҳозир ҳайз кўрмайпман, бу кунимдан ўлганим яхши. «Ёш куч», хатимни журналда эълон қилгин, токи бу видеоси бор оилаларга сабоқ бўлсин. «Видео» олмоқчи бўлган оталар ўйлаб кўрсинлар. Кейинги тақдирим нима бўлади, билмайман, ёлғиз умидим сендан, фақат исми шарифимни эълон қилма... Тошкент шахри...»

Одам боласи учун бундан ҳам ортиқ беномуслик, шармандалик бўладими? Бундай аҳволнинг келиб чиқишига сабаб бўлган, юқорида айтганимиздек, балоғат ёшида ўзини эҳтиёт қила олмаган, инсоннинг шахвоний хирсини уйғотувчи омилларга қизиқувчи бир ёш ўспириннинг қилмишидан хулоса чиқаринг. «Эл оғзига элак тутиб бўлмайди», дейди халқимиз. Бу иш эл орасига ёйилиб кетгач, ака ҳам, сингил ҳам қандай қилиб бош кўтариб юради? Ота-чи? Она-чи? Улар тириклайин ўлади! Маҳалла-кўйдан чиқади. Дўсту душманлар даврасида бўла олмайди, ер қизиш қолади.

Мана энди тушунгандирсиз, ўғлоним, ўзингизни босинг, бироз шошилманг, севгилингизни кучмай туринг, дейишимизнинг боиси шу эди. Ўзбекларда мақол бор: «Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар». Сиз ҳам қаноат қилинг, ўзингизни бо-

синг. Негаки, рўпарангизда сиз севган, сиз уни дунёдаги ҳеч кимга алмаштирмайдиган кишингиз – сизнинг Лайлингиз, сизнинг Зухрангиз турибди. Келинг, силаб-сийпайвериб унинг ҳам эҳтиросини уйғотманг, акс ҳолда киз бола ҳам қийналади, оғир аҳволга тушади.

Севиш-севилиш бу фақатгина икки ёшнинг бир-бирлари висолига етиб, беникоҳ бўлса-да киз йигитнинг, йигит кизнинг пинжига кириши дегани эмас! Севиш-севилиш жамият тараққиётининг узилмас занжири оилани қуриш, оилавий ҳаётга киришнинг пойдеворини қўйиш дегани-ку. Агар ҳали оила қурилмай туриб, муҳаббат майидан сипқориб, нафсингизни тия олмай, бир-бирингиз ўртангиздаги ўзбекона шарму ҳаёни, ибони йўқотсангиз, орангиздаги сир-синоат синса, сизлар қурадиган оила пойдеворига зил кетмасмикин? Шошилманг, бир-бирингизни аввал яхши ўрганинг. Биласизми, руҳшунос олимларнинг айтишларича, инсон икки йўл билан севаркан. Биринчидан, кўнгил билан, иккинчидан, ақл билан. Кўнгил билан севишдан кўра ақл билан севиш яхши натижа берар экан. Чунки инсоннинг кўнгли бир кунда 60 мартагача ўзгариб турар экан.

«Кўнгил билан севиш нима-ю, ақл билан севиш нима?» деб сўрарсиз. Кўнгил билан севиш кўпроқ бир қарашда ёктириб қолиш, бўй-басти, озодалиги, чиройи, ноз-қарашмалари, овози, шаддодлиги ва ҳоказоларига қараб кўнгил қўйиш, шайдо бўлмоқдир.

Юқоридаги хислатлари туфайли кўнгилга ёқиб қолса ҳам, кизнинг характерини, насл-насабини, соғлиғини, ота-онаси ва оиласини сўраб-суриштириб, ўз ота-онангизнинг фикрини ҳам билиб, ҳар томонлама маъқул келгандан сўнг киз билан муносабатни уйғунлаштириш, унинг ҳам кўнглини билиб, сўнгра муҳаббат изҳор қилиш, бу ақл билан севиш бўлади. Бунда ўзингиз ҳам, ота-онангиз ҳам бўлажак қайлигингизга ишонч ҳосил қилган бўласиз, камроқ адашасиз.

Юкорида айтганимиздек, бу савдо умр савдоси. Бозор савдоси эмас, ёкмай қолса эгасига қайтариб бериб, бошқасини олгани. Бу савдода ўзингизга муносибини бир марта топасиз, ўша билан бир ёстикка бош қўясиз. Энди у яхшими, ёмонми, тақдирга тан бериб, ундаги кемтикни беркитасиз, ёмондан яхши чиқаришга ҳаракат қиласиз. Агар «Одам дунёга бир марта келади, мен шу билан яшаб, умримга эгов бўламанми?» десангиз, хато қиласиз. Негаки, ўша сизга жуфт бўлган инсон ҳам одам-ку, сизни деб умид билан бир ёстикка бош қўйди-ку. У аёл киши, сиздан кейин бирорта ўзига ёкқан эркакка совчи юбора олмайди, сизга турмушга чиқаман, дея олмайди. Унинг куни ғурбатда қолади. Сиз эркак кишисиз, фақат ўзингизни ўйлаб, бошқаларни бахтсиз қилишингиз одабийликдан эмас. Сиз буларни обдон ўйлаб олинг, ўғлоним, жуфт танлашга, севиб қолишга шошилманг, аввал ўйлаб, ақлни ишга солинг. Илоҳо, кўз очиб кўрганингиз билан қўша қаринг. Энди сизнинг Лайлингиз ҳам, Зухрангиз ҳам ўша. Сизни ҳам, уни ҳам яна бошқаси билан бир ёстикка бош қўйишдан яратганинг ўзи асрасин.

## ТЎЙДАН ОЛДИН ТОМОША

Шарму ҳаёли, ор-номусли, миллий урф-одатларга содик қолган инсонлар Аллоҳга ҳам ёқади. Тасаввур қилинг, биз: «Севгилингизга беҳаё қилиқлар қилмай тулинг», деганимизда, қўл силтаб: «Кечдим ўша насихатдан», – деб, билганингизни қилиб, уни бағрингизга босиб, силаб-сийпалаганингизда борми, ўзингизни тўхтата олмай қолиб, беҳаё ишни бошлаб, кизни беномус қилиб, ўзингизни ёмон отликка чиқариб, тўй куни келин оппоқ ҳарир либослар ичида, қорнида боласи билан кириб келарди. Эл-юрт орасида беобрў-беномус деган ном олар эдинглар. Мана шундай аҳволга тушган икки ёшнинг қилмишлари ҳақида эшитинг.



«Мен Тошкентдаги билим юртларининг бирида ўқийман. Гуруҳимизда олтигагина қизмиз. Биз анча босиқмиз, шу билан бошқа гуруҳ кизларидан фарқ қилиб турамыз. Лекин дугонамиз Шаҳноза ҳаётда катта хатога йўл қўйди. Очигини айтганда, у киз болалик гурурини йўқотди, ўз номусини топтади. Хуллас, қизлар ичида ўзининг ҳусни, пазандалиги билан ажралиб турадиган бу дугонам асли қанакалигини исботлади. Шаҳноза бир йигит билан севишиб юрарди. Лекин мен Равшаннинг севгисига ишонмасдим. Билмадим, нима учун, менда Равшанга нисбатан озгина нафрат ҳисси бор эди. Тўғри, Равшан келишган, чиройли йигит эди. Аммо... У кўп кизлар билан учрашар, мен буни Шаҳнозага айтсам, ишонмасди. У буни оддий «миш-миш» деб ўйларди. Севги унинг кўзини кўр, қулоғини қар қилганди. Мана шунинг учун ҳам у шундай аҳмоқликка қўл урди. 31 декабрь куни кечаси Равшан Шаҳнозага кўнғироқ қилиб, кўчага чиқишини ва бирга айланишини сўрабди. Албатта, Шаҳноза бу таклифни рад этолмабди. Тунги соат иккиларда Шаҳноза кўчага чиққан. Улар учрашибдилар, кўп айланибдилар ва Равшан-Шаҳнозани уйига таклиф қилибди. Равшаннинг ота-онаси ва синглиси меҳмонга кетишган экан. Шундай қилиб, Шаҳноза ўз қизлик номусини шу кеча йўқотибди. Дугонам у пайтда энди 16 ёшни қаршилаган эди. Уч ойлар чамаси вақт ўтиб, у мен билан сўзлашаётганида бирданига ўзгариб қолар эди. Кўнгли айниб, дарсдан жавоб сўраб кетадиган одат чиқарди. Бу пайтда мен ҳеч нарсадан хабардор эмасдим. Нимагадир бу сирни у мenden яширди. Аслида эса биз бир-биримиздан ҳеч нарсани яширмас эдик.

Бу ҳол тез-тез қайтариладиган бўлди ва апрель ойида докторга бирга бориб келишни илтимос қилди. Докторга кетаётиб йўлда ҳаммасини гапириб берди. Мен анчагача унинг гапирган гапларига на ишонишни, на ишонмасликни билмадим. Шундай ақлли, хушчакчак дугонам жиннилик қилиб бундай

ишга қўл урганига ҳамон ишонолмасдим. Хуллас, докторга бордик. У Шаҳнозага тиббий кўриқдан ўтиши учун кўрсатма берди. Шу куннинг ўзида бир неча анализларни топшириб, уйга қайтдик.

Бир ҳафтадан кейин докторга бориб, нохуш хабарни эшитдик. Шаҳнозанинг икки ойлик ҳомиласи бор экан. Буни эшитиб у йиғлаб юборди. «Ота-онамга нима дейман? Маҳаллада нима деган гап бўламан?, деган хаёллар бошидан кечди. Энг катта ташвиш эса, «Равшан билса нима бўлади?» деган савол бўлди. Доктордан чиққанимиздан сўнг ҳомиласи борлигини анчадан бери билишини ва аниқ тасдиқланишини истагани учун тиббий кўриқдан ўтганини айтди. Аввалига жаҳлим чиққан бўлса, айни шу вақтда, унга қандай таскин берсам экан, деб ўйланардим.

Бир ойдан кейин унинг ота-онаси ҳам бундан хабар топишди. Она майли, ўз кизини бир амаллаб тушунди. Ота эса ... Мансабдор шахс бўлгани учун уни кечираолмади. Қизи билан умуман гаплашмай қўйди.

Ёзда Шаҳнозанинг ойиси Равшанларникига борди. Уйда тўполон бошланди. Шаҳнозанинг ойиси: «Равшан Шаҳнозага уйланиши керак», – деса, Равшаннинг онаси: «Ҳомиладор кизингга бошқа эр топ», – дерди. Хуллас, кечкурун Равшаннинг отаси бундан хабар топди. Бир ҳафтадан кейин иккала ота-она ҳам яхшилаб гаплашиб олишди. Равшан ҳақиқатдан шу ҳомила унданлигини тан олибди.

Тўй яширинча бўладиган бўлди. Хуллас, тўй бўлиб ўтди. Афсуски, ота-оналар орзу қилгандек эмас, бошқача тўй бўлди...».

Ана энди ўзингиз хулоса чиқаринг, буни «Тўйдан олдин томоша» дейдидилар. Бу ҳоллар бизнинг ўзбекона урф-одатларимизга тўғри келадами? Мусулмончилигимизда, ўзбекона урф-одатларимизда никоҳсиз киз ёки аёл билан алоқа қилиш

«зино» деб аталади. «Зино» гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Бу иш мусулмон одамга қатъий ман қилинган-ку! Бу икки ёш урф-одатларимизни, ахлоқ-одоб қоидаларимизни ҳурмат қилмай, унга итоат этмай, шу бадномликка учради-ку. Фақат ўзлари эмас, ота-оналарининг, қариндош-уруғларининг юзини ерга қаратишди.

Сиз севиб томоша қиладиган, йиллаб давом этадиган «Эсмe-ральда», «Муҳаббат қаҳваси», «Гвадалупа» каби чет эл сериаллари-да қиз ҳомиладор бўлиб қолса, оддий ҳол саналади, бизда эса асло ундай эмас. Аксинча, бундай ишлар ҳаром саналади. Шуни билинг-ки, сиз қизикаётган ғарб киноларидаги севишбоқ, бир-бирларининг пинжига кирган Оврўпа ёшлари билан сизнинг орангизда катта фарк бор. Улар совук минтақа одамлари, уларнинг мижози совуққа мос-лашган. Улар ўзларининг шаҳвоний ҳирсини бошқаришлари мум-кин. Марказий Осиё халқлари, айнан сиз ёшлар ҳам серкуёш, иссик минтақага мансубсизлар. Сизларнинг қонингиз қайноқ, мижозингиз ҳам шунга монанд. Одоб ва ахлоқ қоидаларимиз ана шу ҳислатла-римизни, икки жинс орасидаги муомала-муносабатларимизнинг гўзал бўлишини, беҳаёликларга йўл қўймасликни ҳисобга олиб яратилган. Уларга риоя қилган ёшлар ҳаёт йўлида, балоғат ёшида адашмайдилар. Шу боис сизга ҳиссиётга ён босмай туришингизни маслаҳат берган эдик.

Шуни ҳам ҳисобга олинг-ки, севганингизу, севилганин-гиз танганинг бир томони. Ҳали бу севгингиз туфайли бир-бирингизга етишсангиз, ҳаёт аччиқ-чучуклари билан лиммо-лим, оила деб аталмиш, тилсимли, жажжи бир мамлакатнинг аъзоси бўласиз. Нафақат аъзоси, унинг бошқарувчиси бўлиш-дек мураккаб вазифани зиммангизга оласиз. Бу сеҳрли мам-лакатда ё бахтли яшайсиз, ёки бахтсиз. Бу танганинг иккинчи томони. Соғ-саломат балоғатга етган ҳар бир ёшдан: «Кела-жакда уйланиб, оила қуриб, бахтли яшашни истайсизми? Ёки унинг аксиними?» деб сўралса, ҳамма ёшларнинг ҳам жавоби аниқ: «Бахтли оила қураман, бахтиёр яшашни орзу қиламан», – дейди. Илоҳо, бахтли бўлинглар. Аммо орзу қилишнинг ўзи

кифоя қилмайди. Орзуга эришиш учун машаққатли меҳнат, илм олиш, касб-хунар эгаси бўлиш, энг асосийси, уйланишга, ота деган номга бўлишдек вазифалар ётади. Бунга чидаган, бу машаққатларни енгиб ўтган, куч, ақл ва тажрибага эга бўлган ёшларгина орзуларига етадилар.

Ўғлоним, одамнинг ҳаёт йўли бешикдан бошланиб қабрда тугайди. Бу йўлни босиб ўтишнинг яратган ўзи белгилаб берган қонун-қоидалари бор. Ўша қонунлар асосида бу йўлни инсон ўз умрида бир мартагина босиб ўтади. Йўлда адашиб, ярмига бориб, янгидан бошлашнинг иложи йўқ.

Йўлдан адашмасликнинг ягона шарти ақл билан иш кўрмоқ, илм ва хунар эгаси бўлмоқ. Ўзидан аввал ўтган аждодларнинг тажрибаларидан фойдаланмоқ, кексаларнинг пандунасиҳатларига кулоқ солмоқ ва фойдалиларини олиб, ҳаёт йўлларида тадбиқ қилмоқдир.

Сизлар ҳали ҳаёт йўлининг бошидасиз. Бу йўлни босиб ўтишни шундай режалаштирингки, охирига етганда, ортингизга қараб афсус-надоматлар чекманг. Шу боис бу йўлда адашманг. Бу йўлнинг сеҳр-синоатини ўрганай десангиз, кўпроқ китоб ўқинглар, кексаларнинг, оқилу доно одамларнинг, олиму-алломаларнинг суҳбатларида кўпроқ бўлинглар.

Яна бир нарсага эътибор беринг! Инсон ким бўлмасин, эркакми, аёлми ҳаёт йўлидан ёлғиз кетмайди. Юқорида айтиб ўтдик. Аллоҳ инсонни ўз жуфти билан яратган, уни «умр йўлдоши» дейилади, у билан бир ёстиққа бош қўясиз. Ўғил-қизли бўласиз, оила тебратасиз. Ким ўша жуфтингиз? Буни аввалдан билмайсиз, танлайсиз, ахтарасиз ва ниҳоят топасиз. Келинг, ана шу сизга ноаниқ, сизга нотаниш бўлган жуфтингизни, ўша қизни топайлик.

Бу ўта мураккаб иш. Унда адашмаслик учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилинг:

1. Кўнгил билан эмас, ақл билан севишни ўрганинг. Ақл билан севиш нима эканлигини юқорида баён қилганмиз.

2. Сизга нисбатан энг камида 3-5 ёш кичик киз билан турмуш куришга ҳаракат қилинг.

3. Уйланишга шошилманг, ўқишларни тамомлаб, касбу-кор эгаси бўлиб, оила тебратишга курбингиз етарли бўлганидан кейин оила қурганингиз маъқул.

4. Севган кизингиз билан феъл-атворларингиз тўғри келишига алоҳида аҳамият беринг.

5. Жуфти ҳалолингиз билан яқинлашганда спиртли ичмлик истеъмол қилишдан ўзингизни тийинг.

6. Тўйдан-никоҳдан кейин ўз жуфтингиз билан ҳар хил бачкана тортишувлар, эзмаликлар каби бебурд қилиқлардан сақланинг.

Агар бу савдода эътиборсиз бўлсангиз, адашиб кетсангиз, умр бўйи афсус ва надоматларга сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, ёшлар тасодифан учрашиб, бир кўришда севиб, уйланиб, кейин пушаймон қилгандан кўра аввал бир-бирларини яхши ўрганиб, сўнгра оила қуришса бўламайдими?

Бўлади, аммо «севгининг кўзи кўр». Ахир севиб қолиш учун баъзан унинг бир нигоҳи, ширин бир табассуми етарлику! Ўша сирли боқишлар, ўша «бўйлаб қарашлар» юракка учкун ташлайди. Бу учкун тобора аланга олади. Жисму-жонингиз ёнаётганда сизга ўт қўйган малакнинг қай бир айбини кўрасиз? Тамом, сиз энди муҳаббат аталмиш тилсимли олов ичида ёнасиз, кўзингизга на дунё, на дарё, на денгиз кўринмайди. Улар оддий бир кечув. Денгиздан ҳам, дарёдан ҳам гўё бир одим ташлаб ўтгулик. Ҳамма-ҳаммаси севгинингизнинг биргина соч толасидек, ёноғига инган биргина лобар табассумдек келмайди. Кўзингиз кўрмас, қулоғингиз эшитмас, девонага айландингиз-қолдингиз. Айтинг-чи, шу алфозда турган йигитга, шундай аҳволда турган кизга бир-биридан нуқсон излаш жоизми? Албатта, йўқ. Биламиз, бир-бирларингизга етишиб, оила қуриб кўнгил таскин топиб, ўзингизга келасиз. Меҳрингиз қонгандан кейингина айрим

кемтиклар кўзга кўринади. Бунгача кўп йиллар ўтади, вақтлар кетади. Муҳаббат мева бериб, фарзанд туғилади, ўт пасаяди, ҳарорат камаяди, кўз очилади.

Ана энди бир-бирингизга синчиклаб қарайсиз, бемалолроқ қарайсиз. Агар Аллоҳ сизга тақдирини бир қилиб яратган муносиб жуфтингизни топган бўлсангиз, бахтлисиз. Агар акси бўлсачи, афсуслар, надоматлар қалқиб юзага чиқади. Энди бу ёғи сабр-тоқатингизга, бардошингизга, одамийлик фазилатларингизга боғлиқ. Яна икки ўт ўртасидасиз. Бир ёнингизда турмушингиз, оилаңгиз, муҳаббатнинг меваси бўлмиш, кўзлари мўлтираб турган фарзандингиз, зурриёдингиз.

Бир томонга қарасангиз, муҳаббат туфайли қурган кемтик турмушингиз. Олинг, хоҳлаганингизни олинг. Ўзингиз пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичасиз. Яхши одам бўлсангиз, сизда диёнат бўлса, болани етим қилмайсиз. Ўзингиз суюб пиширган ошингизни тўкмайсиз. Бориға бардош бериб, бироз таъми ёқмаса, тузи паст бўлса, чидайсиз, ичаберасиз. Одамнинг яхшиси одамийлик қилади, ўз жуфтидаги нуқсонларни тузатишга, ёмондан яхши келиб чиқишига ҳаракат қилади, бор санъатини ишга солади.

Йўқса, нафсингизга ўт тушади. Илгариги муҳаббатингиз ўрнида нафрат ёнади, энди бу ўт ҳам ёмон. Болангизни ҳам, бир вақтлар сизга хумору-хуштор бўлиб жуфтлашган ёстикдошингизни ҳам кўрсатмайди. Янгисини, яхшисини, оловлисини, қаловлисини ахтариб қоласиз. Кечалар, баъзан бир неча кунлар, ҳафталар уйга келмай қўясиз. Қайсидир бефаҳм, беибо аёллар оғушида ғарк бўласиз, бора-бора янгисини топасиз. Жуфтингиздан, фарзандингиздан айриласиз. Ана энди муҳаббат сўнди, оила бузилди, шундай ҳоллар бўлмаслиги учун нима қилмоқ керак? Юқорида айтганимиздек, кўнгил билан эмас, ақл билан севиш керак.

## КИМЛАРГА УЙЛАНИБ БЎЛМАЙДИ?

Диний қадриятларимизга кўра, балоғат остонасига етиб келган ҳар бир фарзанд, ҳар бир қиз, ҳар бир ўғил оилавий ҳаётга киришишга тайёр бўлиши, ўзига жуфт танлай билиши, бунинг учун эса қонунларимиз, диний, миллий ва умум-башарий қадриятлар талабларидан яхши хабардор бўлиши ва уларга қатъий риоя қилиши керак. «Ислом нури» газетаси куйидаги маслаҳатларни беради:

«...Мазкур олти калимага ва бу борадаги Пайғамбаримиз ҳадисларига биноан, мужтаҳид олимлар мусулмон кишига 21 тоифа аёл билан никоҳ боғлаш ҳаромлигини баён этганлар.

Улар қуйидагилар: Оналари, қизлари, сингиллари, аммалари, холалари. Ака ёки уқанинг қизлари, опа ёки сингилнинг қизлари. Эмизган она ва бу онанинг ҳам қизлари, ака ёки уқасининг қизлари. Қайнона, ўғай она, ўғай қиз, келин.... Бир вақтда опа-сингилларни никоҳига олиш, мажусияга уйланиш ман қилинган».

Агар гўдак икки ярим ёшгача бирор аёлни эмса, унинг фарзанди бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам у болага аёлнинг ҳамма яқинлари айнан ўзи туғилган оиласи, қариндошлари каби қариндош бўлиб қолади.

Расулуллоҳ саллолоху алайҳи васаллам ҳадисларида бу ҳақида шундай дейилади: «Эмиш билан, насаб (қариндошчилик) жиҳатидан ким ҳаром бўлса, шу кишилар ҳаром бўлур»<sup>4</sup>.

Кўриниб турибдики, диний қадриятларимизда қариндош-яқинларнинг ўзларига, қизларига уйланиш ҳаром қилинган. Бу масалада замонавий тиббиёт илми ҳам қони яқин бўлган қариндош-уруғлар ўртасида кудачилик қилишни қатъий қора-

<sup>4</sup>«Ислом нури» газетаси. 1993 йил. 3-сон.

лайди. Чунки қон қанча яқин бўлса, бола шунча носоғлом туғилади. Наслий касалликлар, авлод-аждодларда бўлган касалликлар генлар орқали бўлажак фарзандларга ўтади ва авлоддан-авлодга давом этади. Масалан: оғир касалликлардан рак, қандли диобет, юрак-қон томир хасталиклари. Буни оддий халқ тилида касаллик «суяк суради» ҳам дейишади. Бундай никоҳлардан ногирон, норасо фарзандлар дунёга келади.

Баъзан «қўйнидан тўкилса қўнжига» деб ака-укалар, опа-сингиллар ва қаришдош уруғлар бир-бирлари билан куда бўладилар. «Ўзимники, ҳар нима бўлсаям бегонадан афзал. Қизимни акамнинг ўғлига бераман», ёки «ўғлимга синглимнинг қизини олиб бераман» деб орзу-ҳавас қилгувчилар ҳам топилади.

Шу туфайли ҳаётда ногирон болалар туғилиши камаймаяпти. Мен бир фидойи муаллим-устозни билардим. У ёшлигида ота-онасининг таклифи билан, ўз тоғасининг кизига уйланган, беш нафар ўғил, тўрт нафар қиз фарзанди бор эди. Ўғилларининг тўрт нафари, қизларининг биттаси норасо-акли заиф туғилганди. Улар бўй етган оилада 5 нафар фарзанд ҳеч корга ярамас, ётиб еб-ичарди. Бечора ота елиб-югуриб, топиб-тутиб оилани тебратарди. У ҳамманинг меҳрини қозонган моҳир ўқитувчи, кўп йиллар мактабда раҳбар бўлиб ишлаган, ҳазилкаш, дилкаш, қувнок одам эди, Аллоҳ ўз раҳматиغا олган бўлсин. Гоҳо давраларга кириб келганида, ўзини ўзи алдаб хурсанд қилмоқчидай ҳазил оҳангида: «Ассалому алайкум, мана камина-ногиронлар уйининг директори келди», – деб ўзини таништирар, қўринган ёшларга, ўқувчиларига «қариндошдан уйланманглр!» деб насиҳат қилар эди. Тасаввур қилинг, бир оилада беш нафар акли заиф фарзандга оталик, оналик қилиш оғир иш, худо ўзи сақласин бундан. Беш нафар эмас, бир нафар фарзанди акли заиф ёки қўл-оёғи, жисмининг бир томони норасо туғилган фарзанд учун ота-она ўз халоватини йўқотади, еган-ичгани тотимайди. Мана қариндошдан қиз олганларнинг аҳволи! Бунга аҳамият беринг.



«Оила ва жамият» газетасининг 1996 йил 7 (280) - соннда журналист Маҳмуд Абулфайз шундай ёзади:

«Бу воқеани Сурхондарё вилоят туғруқхонаси бош ҳақими, олий тоифали жарроҳ Рустам Қорақулов айтиб берган эди. Бир оилада ҳадеганда фарзанд туғилавермади. Ойлар, йиллар ўтар, аммо эр-хотиннинг чеҳрасидаги синиқ бир маъюслик, кўзларидаги мунг ҳеч кетмасди. Ҳар иккови ҳам дўхтирларга кўринишди, даволанишди. Ва ниҳоят, Аллоҳ уларнинг ҳам дардига дармон берди. Узоқ илҳақлик ва интизорликлардан сўнг фарзандли бўлишди. Оилада қиз туғилди. Эр-хотин еру кўкка ишонмай, кизалоқни тарбия қилишди. Дунёга келиб, меҳнат қилиб нимаики топган бўлсалар, шу қизга деб атадилар. Ўзлари киймадилар, унга кийдирдилар, ўзлари емай, унга едирдилар. Алқисса, бир ажойиб қиз камолга етди. Унга харидор кўп бўлди. Уйни совчилар босди. Лекин ота-она ёлғиз қизларини ўзларига уруғ бўлмаганга беришни ис-ташмасди. «Қизимиз бегоналарнинг қўлида хор бўлмасин!» дея энг яқин қариндошларидан бири билан қуда-андачилик ипларини боғлашди. Дарҳақиқат, ота-она ўйлаганидек, қизлари хор бўлмади, бирон нарсага зорикмади ҳам, тўйдан сўнг бир йил ўтди. Ҳар икки томон яна қувонишди. Чунки ёш келин-куёвлардан фарзанд кутилмоқда эди. Келинчак-ни туғруқхонамизга олиб келишди. Ниҳоят унинг кўзи ёри-ди, янги меҳмоннинг ташрифидан ҳамма севинди. Бирок... бирок бу севинч, афсуслар бўлсинки, узоққа бормади. Чунки бола аъзоларида нуқсонлар билан туғилган бўлиб, ҳеч қанча ўтмай вафот этди.

Қудалар бир-бирларига таскин бердилар. Олган Худо яна беради, дея умид қилдилар. Орадан бир йил ўтди. Ёш аёлни яна туғруқхонага олиб келдилар. Қиз туғилди. Туғруқхонадаги муддат тугагач, она-болага жавоб бердик. Фарзандга зор ёш ота-она қизларини жондан ортиқ кўрдилар. Қизалоқ уч ёшга

кирди. Аммо у ... эмакларди-ю, юролмасди. Гўдакнинг ота-онаси ҳам, бобо-момолари ҳам яна безовталикка тушдилар. Шифокорлага бордилар, табибларга мурожаат қилдилар. Улар эса... боланинг туғма ногирон эканлигини афсус ва надоматлар билан айтишди. Ота-она бундан махзун бўлиб, оғир хаёлларга толдилар. Орадан йиллар ўтди. Эрнинг хотинидан кўнгли қола бошлади. Уларнинг орасида ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлган эди. Ва ниҳоят, улар ажралишди. Ана шундан сўнггина ота-она ўз қизларининг бахтига зомин бўлганликларини, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганликларини англаб етишди.

Яқин қариндошларнинг ўзаро никоҳи оқибатида ногирон бўлиб туғилаётган гўдакларни кўриб одамнинг юраклари ачишиб кетади. Тўғри, қариндошчиликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, яқинлик ипларини асло узмаслик керак. Лекин ... насли бузиш билан эмас-ку! 1995-1996 йиллар мобайнида мен раҳбарлик қилаётган вилоят туғруқхонасида чакалоқларнинг 21 нафари туғма ногирон эди. Биз суриштириб, таҳлил қилиб кўрганимизда, ана шу туғма бахти қароларнинг аксарияти яқин қариндошларнинг никоҳидан дунёга келган экан».

Тажрибали шифокорларнинг таъкидлашларича, яқин қариндошлар фарзандларининг ўзаро турмуш қуришлари нафақат жисмоний нуқсонларга, балки руҳий заифликларга ҳам сабабчи бўлар экан.

«... Мен мутахассис, психиатр врач сифатида ота-оналарга айтаманки, «Қариндошга киз берманг!» йигитларга дейманки: «қариндошдан уйланманг!» Миллатимиз наслининг соғломлиги учун барча қайғуриши керак, – дейди яна бир тажрибали шифокор.– Мен кишлоқ боласиман. Илгарилари бир кишлоқда нари борса битта ақли заиф бўларди. Ҳозир эса ... одамнинг тили ҳам бормайди... Айрим кишлоқларда икки-учтадан... Биз азалий тартиб меъёрини бузаямиз. Агар бузмасак

эди, ахвол бундай аламли нуқтага келиб етмасди. Хеч қачон унутмаслик керак: вабога қарши, ўлатга қарши эмлаш мумкин. Лекин... рухий, асаб касалликларга қарши эмлаб бўлмайди. Тўрт-беш нафардан туғма ногирон фарзанди бор рўзғорлар учрайди. Ўтган йилнинг ёзида жуда оғир, юракка пичоқдек бо-тадиган бир манзарани кузатдим. Ҳали-ҳали эдасам, юрагим санчади. Иккинчи каватдаги ишхонамдан баногоҳ пастга, диспансер ҳовлисига қарадим. Ҳаво жуда иссиқ эди. Водопровод олдида ёши 70 дан ошган, соч-соқоли оппоқ чол ва унинг ёнида уч нафар йигит ўтирарди. Суриштириб билдим, ота ва ўғиллар экан. Тоғли туманлардан биридан келишибди. Чолнинг катта ўғли қирқдан ошган, иккинчиси ўттиздан ошган ва кенжаси ҳали ўттизга бормаган экан. Ҳар учала ака-ука ҳам туғма ақли заиф экан. Чол ўғиллари билан белига туғиб келган нондан сувга ивитиб еб ўтирар эди. Ўн иллари худди боғча болалардек, отанинг юзларига, нон тутаётган қўлларига мўлтираб қараб туришарди. Билдим, кўнглимдан кечди, «Чол тирикчиликдан кийналиб қолган. Авваллари уялганидан келмаган. Ногирон болаларига ҳукуматдан пул олиб еябди деган гапдан қочган. Белидан куч-куват кетгач эса, диспансерга кўрикка келган». Қачонлардир чол қариндошининг қизига уйланган, ундан ўғиллар кўрган. Елиб-югуриб уларга едирган, ичирган, кийинтирган. Бир куни қарисам, кўзимдан нур, белимдан мадор кетса, шу ўғилларим вояга етиб мени ҳам боқади, деган. Лекин... тақдирни таҳрир қилиб бўлмайди, деганларидек, ёши етмишдан ошган чол йигит ёшига етган, у ёшдан ҳам ошаётган ўғилларини ҳали-ҳамон худди гўдаклардек боқишда давом этмоқда. Бу ҳолни кўриб одамнинг «Дастингдан дод, дунё!» дегиси келади. Қараб туриб раҳминг келади, кўлингдан ҳужжат тўғрилашдан бошқа ҳеч бир иш келмаслигини ўйлаб, хўрлигинг ошади...»

Дарвоқе, дунёнинг олди-ортини ўйлаб иш кўрадиган тажрибали чоллар, момолар рўзгор қуришни умр савдоси дея айтадилар. Умр савдоси эса, асосан бир марта бўлади. Бунда кўра-била туриб хатога қўл урган одам, ёинки адашган одам, гарчанд ҳар қанча давлати, пули, имкони бўлса ҳам, содир бўлган хатони умр дафтарида ўчиролмайди.

## НИЯТ ЯХШИ БЎЛСАДА, АММО...

Ўйланиш, оила қуриш арафасида турган ёшлар шунга аҳамият берсинларки, айрим катталарнинг: «Кўябер, айтишаверсин, қариндошга қиз бериш азалдан бор, қариндоши билан куда бўлганларнинг ичидаям униб ўсганлар кўп», – деган асоссиз гапларига учманг. Хатога йўл қўйманг!

Тонг қоронғуси. Туғруқхонанинг ойнаванд қабулхонасидаги йигит жуда бесаранжом эди. У ярим тунда ҳомиладор аёлини туғруқхонага келтирганди. Шифокорлар аёлни зудлик билан туғруқ бўлимига қабул қилишди. Орадан 4 соат вақт ўтди. Йигирма беш ёшлардаги бу йигит тез-тез у ёқдан бу ёққа бориб келаверарди. Гўё шундай қилса вақт тез ўтиб, ичкаридан: «Суюнчи, суюнчи, ўғил!» деган овоз келадигандай... Мисоли йилга татиғулик фурсат ўтди. Шу пайт оппоқ халатли шифокор аёл чиқди. Йигит чўнтагида тайёрлаб қўйган суюнчини олди-ю аёлга юзланди.

– Опа, нима янгилик?

– Ука, сизга нима десам экан... – дея оғиз жуфтлади шифокор, – фарзандингиз...

– Тирикми ишқилиб?

– Тирик, аммо уни ўғил ҳам, қиз ҳам дея олмайман.

Йигит шу тобда қарахт бўлиб қолди. Ҳуши бошидан учиб, тиззаларида дармон қуригандек сезилди. Суюнчи узатишга чоғланган қўллари титрай бошлади.

– Болада икки жинснинг белгилари бор.

– Нега ахир?

– Негалигини аниқлаймиз, албатта. Эҳтимол кариндошлар куда бўлган чиқар?

– Энди бу ёғи нима бўлади?

– Болалар жарроҳига олиб боришни тавсия қиламан...

Шу пайтда қўлида тугун билан шошиб етиб келган онасига ҳам унинг гапиргиси келмади.

– Ўғлим, нима гап?

– Энди ҳаммаси тамом. Менга бундай боланинг кераги йук. Фалончининг боласи ногирон экан, деган гапдан ор қиламан.

Йигитнинг кўзларидаги еш юзига оқиб тушди. Тез-тез кадам ташлаб ташқарига чиқиб кетди.

«Энди синглимга нима деб хабар бераман?» деб ўлади йигитнинг онаси. Келиним, яъни қизинг бизга бола эмас, бало олиб келди, дейманми?» Аёл синглисининг уртанча қизини катта ўғлига олиб берганига мингдан-миг пушаймон булди.

Туғрукхонада икки дунё азобини бошидан кечирган еш она эртаси куни бу хабарни эшитди, ишонмади. Оппок йуракни ечиб, ўз кўзи билан кўрмоққа шошилди. Еш она ҳақиқатни кўриб бор овози билан дод демокка ҳоли ярамди, ҳушидан кетди. Нега бу фожеа юз берди? Нега еш ота узининг фарзандидан воз кечди? Икки куда – опа ва сингил уртаси нега дарз кетди? Келинг, мана шу ҳақда бир оз мулоҳаза юритайлик.

Пайгамбаримиз ўзларининг муборак ҳадиси шарифларида: «Куда-андачиликни бегоналардан қилинглар, қупайинглар, охиратда мен умматларимнинг куплиги билан фахрланаман», дея бизни огоҳлантирганлар. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддаси 2-бандида ҳам: «Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган кариндошлар уртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар уртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинган-

лар ўртасида никоҳ тузишга йўл кўйилмайди», – дейилган. Афсуски, қонунларимизда, муқаддас ҳадисларда ман этилган иллат нега ҳамон яшаб келмоқда? Яширишга не ҳожат, биз кўпинча ака-ука, опа-сингил каби яқин қариндошларнинг куда бўлганларини эшитамиз. Эшитсак ҳам ҳайрон бўлмаймиз. Айтиш мумкинки, бу ҳатто оддий ҳолатга айланган. Масалага жиддий қараш ва яқин қариндошга уйланмаслик лозимлигини унутманг.

Бизда яна бир урф-одат борки, бунга ҳам алоҳида эътибор бериб, унинг салбий томонларидан сақланмоқ керак. Гап қарши куда (Фарғона водийсида қайчи куда дейилади) тушунчаси ҳақида боряпти. Бундай куда-андачилик гарчи яхши ниятлар билан қилинсада, унинг ҳар икки томон ёшлари турмушида нотинчликларни юзага келтирувчи жиҳатлари бор.

Мана бу мисол орқали ўзингиз яхши тушуниб оласиз.

«Мен турмушга чиққан хонадон ўзига тўқ, тинч-тотув эди. Уйдагилар шунисига учишдим, ҳарқалай, қайнисинглим Заҳрони укамдан икки ёш катта бўлса ҳам келин қилиш пайига тушишди. Бир ой ичида тўй бўлди. Шундан кейин ҳаётим заҳарга айланди, десам ишонмасиз. Заҳро келди дегунча уйимизда тўс-тўполон бошланарди. У мен билан ўзини солиштирарди. Янги кийим кийсам, укамга худди шунақасидан олдирад эди. Қайнонам ҳам қизининг ёлғон гапларига ишонарди. Ўртамизга совуқчилик тушди. Ота-онам билан ҳам келин туфайли уришиб қолдик. Эскилар «қарши куда-қаҳри худо» деб бекорга айтишмаган экан. Ота-онамни ёмонламоқчи эмасман. Лекин бойликка, мансабга учиб, иккита оилани жар ёқасига олиб келишди. Ҳозир укам хотинидан бутунлай бешиб қолган. Агар улар ажралса, менинг оилам ҳам қил устида қолиши турган гап».

Энди хулоса қилинг, ўғлоним, ота-она орзуси деб, ёки бой, амалдор билан куда бўлиб, обрў олишни кўзлаган инсонларнинг ҳоли не бўлди экан? Шуни билингки, куда-ан-

дачиликнинг энг яхшиси «тенг тенги билан...» деган нақлга амал қилинганидир. Иложи борича қиз олган томон ўзларидан мавқеи паст оиладан олгани маъқул. Урф-одатларимизга кўра, оилада етакчиликни, оилани бошқаришни эркак кишига лозим кўрамыз. Аёл эса, гарчи ҳақ-ҳуқуқда эркак билан тенг бўлса ҳам, эркакнинг измида бўлади. Бой-бадавлат оиладан келган қизнинг бундай талабга бўйин эгиши, оилавий ишларга, юмушларга, айниқса нон ёпиш, кир ювиш, агар оила қишлоқда бўлса, мол соғиш каби ишларга кўникиб кетиши қийинроқ бўлади. Аммо «Бошга тушса, кўз тортар» деганларидек, аста-секин янги оиланинг ҳаёт тарзига кўникиб, ўрганиб кетгувчилар ҳам бор.

Хулоса шуки, бу жиддий масалага алоҳида аҳамият бериш, жуфт танлашда шошилмасдан, бир қарашда кўнгилга қараб севиб эмас, ақл билан севиб жуфт танлаган маъқул. Мазкур муаммога ҳатто бобокалонимиз Амир Темур ҳам жиддий аҳамият бериб, келин танлаш билан шахсан ўзлари шуғулланар эканлар. Мана бобокалонимизнинг айтганлари:

«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйламоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-саломатлигини, жисмоний камолотини аниқладим. Келин бўлмишнинг насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлгандагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим.

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида дунёга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай дебон шу покиза йўлни тутдим». («Мулоқот» журнали 1996 йил, 5-сон.)

Қиссадан ҳисса шуки, бобокалонимиз Амир Темурдек буюк зот ҳам ўғилларига келин танлаш билан шахсан ўзи шу-

гулланиб, уни давлат ишлари даражасида кўрган экан. Бу иш халқимиз орасида ҳам урф-одатга айланиб, унинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис сизнинг ота-онангиз ҳам бу ишга бe-фарқ бўлолмайди, бундан тўғри хулоса чиқариб, ота-онангиз билан бамаслаҳат иш тутинг. Чунки ота-она фарзанд учун мустаҳкам таянч, тенги йўқ дўст, ишончли устундир. Ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмаган ва кўрмайди. Ота-она учун ўғил-қизини уйлаб-жойлаш, ўз муносиб жуфтини топиб, «бошини икки қилиш» қиёмат қарз, улуг бахт, энг олий мақсаддир.

Яна шуни ҳам ҳисобга олинг: халқимизда «Онасини кўриб қизини ол!» деган мақол бор. Чунки қиз балоғат ёшига ет-гунча, оилада отадан кўра кўпроқ она тарбиясида бўлади. Онанинг қилганини қилади, билганини билади, кўрганини кўради. Қисқаси, онанинг барча хислатлари, одоб-ахлоқи, шарму ҳаёси, рўзғор тутиш усуллари қизга ўтади. «Қуш уяси-да кўрганини қилади» деган мақолнинг маъноси ҳам шу. Қиз боланинг бу жиҳатларини ўрганишни эса, оилавий ҳаёт икир-чикирларини сиздан кўра кўп марта ортиқроқ биладиган ота-онангиз кўнгилдагидек уддалайди.

Қиз бола уй-рўзғор тутуми, муомала-муносабати жиҳати-дан онасига тортса ҳам, халқимизда «Қиз аммага, ўғил тоғага тортади» деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Амма отанинг синглиси ёки опаси, уларнинг қони бир. Демак, аммага торт-ган қизда отасининг характери бўлади. Ўғил тоғага тортгани учун унда кўпроқ онанинг характери бўлади.

Демак, қиз танлашда «Онасини кўриб қизини ол!» ўғитига амал қилган ҳолда, ўғлоним, унинг отасини ҳам кўриб қўйинг. Чунки сиз танлаган қиз, бўлажак рафиқангиз қандай харак-терга эга бўлса, сизнинг туғилажак ўғилларингиз ҳам кўпроқ шундай характерга эга бўлади. Буни ҳаёт аллақачон исботлаб қўйган.



Отаси катта олим, бообрӯ раҳбар, шоир ёки ёзувчи, тиниб-тинчимас, сераҳаркат одам, аммо ўғилларида отанинг бу хислатлари йўқ. Бундай мисолларни ҳаётда кўп учратиш мумкин. Бу ҳақда сиз ҳам яхши биласиз. Демак билингки, шундай оиладаги онада отадаги иқтидор йўқ. Она тепса-тебранмас, илму маърифатга безътибор, характер жихатидан меланхолик, бундай она тукқан ўғиллар ҳам характерлари жихатидан ўзига ўхшайди, қизлари эса, отаси каби иқтидорли, тиниб-тинчимас, илму-маърифатга чанкок. Ана сизга «Қиз аммага, ўғил тоғага тортади» деган иборанинг туб маъноси. Албатта, ўзига жуфт танлаётган ҳар бир йигит келажагини ўйлаб, халқимизнинг бу доно фикридан, ҳаётий тажрибасидан ўз ўрнида фойдаланиши керак. Юқоридаги маслаҳат ва насихатларга амал қилиб, ўзингизга муносиб киз топдингиз, эндиги навбат қизниқига совчи юбориб, унаштирилиш, миллий урф-одатларимизга кўра фотиҳа қилиш, ундан кейин эса, ФХДЁ бўлимида рўйхатдан ўтиш ва тўй тантаналарини нишонлаш қолди.

## **КЕЛИН-КУЁВЛАР ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТИШЛАРИ ШАРТМИ?**

Албатта, шарт ва бу фойдалидир.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, тиббий, ирсий ҳамда оилани режалаштириш бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахсни кўриқдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўриқдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин.

Башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитетни танқислиги вирусини (*ОИТС ш-*

фекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидир. (Оила кодекси, 17-модда).

Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар. (Оила кодекси, 19-модда).

«... Исмига монанд гўзал Баҳорни бўйи етиб-етмас турмушга беришди. Кўзга яқин қизлари тезроқ жойини топиши учун эса, онаси узоқ куда танлаб юрмади. Бухоро шахрининг олий ўқув юртида ўқиган йигитдан совчи келиши билан розилик бериб юборди. Карнай-сурнайли тўй ўтди. Ёшлар бир-бирини ёқтирарди. Қуда-андалар апок-чапок. Аммо бахтиёр турмушда ҳеч ҳам «чехраси очилмаётган» Баҳор онасини ташвишга сола бошлади. «Наҳот яна сарик касали хурж қилаётган бўлса? Баҳор тўрт ой аввал сурункали гепатит билан оғриганини тўй ташвишлари билан бўлиб ёдимдан чиқараёзибман. Қуда бўлмишларга ҳам бир оғиз айтмабман. Қизим эса, истиҳола қилиб парҳез тутмабди. Оқибатда аҳволи оғир, кечаси бир-иккиларда жигари қаттиқ оғригани сабаб касалхонага олиб кетишди». Онаизоринг тушунтириш хатидан.

– Биз Баҳорни кўрганимизда унинг жигари шишган, ўт пуфагида қаттиқ шамоллаш бор эди. Бемор жуда толиққан, ши-фокорнинг ёрдамига муҳтож эди.

– Келинчак ўзининг аҳволи, саломатлиги ҳақида наҳот кайғурмаган бўлса?

– Бизнинг келинчакларимиз жуда уятчан, истиҳолали, ўзларига эп кўриб парҳездаликлари, у-бу ерлари оғришини айтолмайдилар. Сурункали гепатит билан оғриган бемор ҳеч бўлмаганда бир йилгача парҳез сақлаши, оғир ишлар қилмаслиги керак. Бугунги замонамизнинг экологик аҳволи мактанарли эмас. Айниқса, шаҳар ҳавоси турли газлар билан заҳарланган, мева-чеваларда селитра мавжуд, қўйинг-чи, тоза-озода жойларни топиш қийин. Атроф-муҳит нормал ша-

роитда бўлса сурункали гепатит билан оғриган беморнинг ўлган хужайралари 10 йилда қайта тикланади. Бизда эса нима бўляпти? Кечагина сариқ касал бўлган қизларни бир йилга қолмай турмушга бериб юборишяпти. Орадан бир неча ой ўтиб келинчак ҳомиладор бўлиши табиий. Аста-секин ривожланаётган эмбрионга жой керак. Натижада бачадон катталашиб, жигар, ўт пуфагини қисиб қўяди. Кўпчилик аёлларда токсикоз кузатилади. Организмдаги мана шу ўзгаришлар гепатит билан оғриганларда турли нохушликлар келтириб чиқариши турган гап.

– Сариқ касали билан оғриган келинчақлар қачон ҳомиладор бўлишлари мумкин?

– Аввало, улар бир йилдан кейингина турмушга чиқишлари керак. Фарзандни эса, соғайиб бўлгандан кейин бир йил ўтиб кўрган маъкул.

– Келинлик юкини бўйнига олган ҳамда гепатит билан оғриган аёлларимизга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

– Аввало, уларнинг яқинларига, келинингизни эҳтиёт қилинг, дердим. Чунки буткул соғайиб кетмаган, ўзини авайламаган аёлдан соғлом фарзанд туғилиши қийин. Бундан ташқари, турмуш оғирликларини ҳам бутунлай уларнинг зиммасига юклаб қўйманг. Вақтида дам олишларига; турли витаминли мевалар истеъмол қилишларига шароит яратиш зарур. Бундан ташқари, сурункали гепатит билан оғриган аёл қабзиятдан эҳтиёт бўлиши керак. Чунки ахлат таркибида ачитки ва захарли моддалар мавжуд. Қабзият натижасида улар тезлик билан кўпая боришига имкон туғилади. Маълумки, бола онанинг киндигидан озиқ олади.

– Агар куёв сариқ касал билан оғриган бўлса-чи?

– Бундай эркаклар аёли билан бир йилга қадар умуман яқинлик қилмаслиги керак. Чунки сурункали гепатит вируслари эркаклик уруғи орқали юқиши мумкин. Бундан ташқари, бу

касаллик билан оғриган йигитлар ўзларини турли оғир юмушлардан эҳтиёт қилишлари керак. Зўриқиш мумкин эмас. Акс ҳолда, барча оғирлик эндигина ўзини тиклай бошлаган жигарга тушади. Касалликнинг иккиламчи қайтарилиши эса жуда оғир оқибатларга олиб келади...»<sup>5</sup>

Яна шу газетанинг 2000 йил 15-сонида чоп этилган Г.Жамилованинг «Касални яширсанг...» сарлавҳали мақоласини келтирамиз.

«Яқинда ғалати бир воқеа юз берди. Кўшни маҳалладан келин олаётган аёл тўйга икки ҳафта қолганида ўзи яшаётган жойдаги поликлиникага бориб, бўлажак келинининг «касаллик варақа»сини суриштиради. Қизнинг жиддийроқ хасталик билан оғримаганлигини билгач, кўнгли жойига тушиб, уйига қайтади. Лекин ўша куни таниш аёллардан бири бу хабарни дарров қиз томонга етказди. Сўнг бу гап бутун маҳаллага ёйилади. Эртасига қизнинг онаси куда томонга келиб жанжал кўтаради. Хуллас, тўйдан олдин иккала хонадонда анча-мунча кўнгилсизликлар бўлиб ўтади.

Агар ўйлаб қаралса, йигитнинг онаси бўлғуси келинининг соғлиги билан қизиқиб тўғри қилган. Ахир оиласига келаётган қиз эртами-кечми она бўлади, шу хонадан наслини давом эттиради. Шундай экан, унинг саломатлиги ҳақида билишни исташи табиий ҳол. Лекин бу борада яширинча иш тутиш шартмикан?

Тиббий кўрикдан ўтиш зарурлигини бўлажак келин-куёвнинг ўзларига тушунтириш мумкин эди-ку, шунда сиз ҳам куймасди, кабоб ҳам. Қолаверса, Оила кодексининг 17-моддасида ҳам: «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади» деб белгилаб қўйилган.

Халқимизда «Касални яширсанг, истимаси ошкор қилади», деган гап бор. Икки ёшнинг турмуш қуриши қанчалик муҳим

<sup>5</sup> «Туркистон» газетасига илова, 1999 йил 6 ноябр.

бўлса, қиз ва йигитнинг никоҳгача буткул соғлом бўлиши ҳам шунчалик муҳимдир. Акс ҳолда, айрим жиддий хасталиклар билан боғлиқ нохушликлар янги оилани нокулай аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Гулхумор ҳам янги оилага яхши ниятлар билан кириб келганди. Бироқ у куёв билан бор-йўғи ярим йилча бирга яшади. Кунларнинг бирида келинчак уч-тўртта кийимини сумкасига солиб, ота уйига жўнади. «Аразлашиб қолишгандир, ҳали ўзига келиб қолади» деб онаси унга индамади.

Аммо бир ҳафта ўтса-да қизининг чиройи очилмади. Ҳайрон бўлиб сабабини суриштирди. «Мажбурласангиз ҳам энди ўша уйга қайтиб бормайман!» деди Гулхумор. Қизининг бу қадар кескин сўзлашидан она кўрқиб кетди. Уни қийин-қистовга олди. «Куёвингизни тузалмас касали бор экан», – деди қизи йиғлаб. Шундан сўнг шўрлик онагина чинакамига ташвишга тушиб қудасиникига қараб йўл олди. Маълум бўлишича, йигитнинг болалигида тутқанок касали бўлган. «Анча йиллардан бери бу дарди уни безовта қилмай қўйганди», – деди куёвнинг онаси. Ўтирганлар сукутга толди. «Энди нима бўлади?»

Психологларнинг таъкидлашича, ёшлардаги баъзи бир рухий-психологик хасталиклар оилавий ҳаёт бошлаганликларидан кейин хуруж қиларкан. Хуллас, Гулхумор билан Азизнинг оилавий турмушига шу тариқа нукта қўйилди.

Йигит ва қизнинг тўйдан аввал тиббий кўрикдан ўтиши айб саналмайди, улардан бири хасталикка чалинган бўлганида ҳам бу нарса бошқаларга ошкор клинмаслиги қонун билан кафолатланган.

«Никоҳланувчи шахснинг кўрикдан ўтказиш натижалари шифокор сирини ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин», – дейилади Оила кодексида.

Тиббий кўриқдан ўтиш янги оилада соғлом муҳитни юзага келтиришда муҳим аҳамият касб этишини биз қавм-қариндошларимиз, кўни-кўшниларимиз, ёки атрофимиздаги хонадонларда никоҳдан ўтиш арафасида турган ёшларга тушунтириб боришимиз лозим».

Мана яна бир мисол, касалини яшириб ёш бир қизнинг очилмаган ғунчадек бахтига зомин бўлган йигитнинг афсусланиб ёзган номаси:

«Ёшлигимдан тутқаноқ касалига йўлиққанман. Баъзи-баъзида бу дард мени безовта қилади. 24 ёшимда уйландим. Ишим, топиш – тутишим яхши бўлгани учун опаларим биринчи совчиликдан ноумид қайтишмади. Қуда томон мени суриштиришмади. Биз ҳам касаллигим ҳақида билдирмадик. Хуллас, ҳавас қилгандан зиёд ҳашаматли тўй бўлди. Худони менга берган жазосими, билмайман, келиннинг олдига кирганимда эски дардим кўзгади. Умрида бундай касални кўрмаган 18 ёшли қиз бу пайтда нима қиларди? Додлаган... йиғлаган... кўзимни очсам, касалхонадаман. Икки ой даволандим (барибир соғайиб кетишимга ишонмасам ҳам). Келин бечора ҳар хил гап-сўзлардан уялиб уйига кетмаяпти.

Бу мактубни албатта босиб чиқаринглар. Бир қизнинг бахтига зомин бўлган йигитман. Энди умр бўйи қийналиб ўтсам керак. Менинг бошимга тушган савдо бошқаларникига тушмасин. Энди хотиним билан яшаш тугул, кўришишга ҳам уяламан»<sup>6</sup>.

Биз юқоридаги сатрларимизда умр савдосига шошилиб бўлмаслиги ҳақида баён этганмиз. Ўғлоним, «Маслаҳатли тўй тарқамас» дейди халқимиз. Ҳар бир иш режа, маслаҳат билан қилинса, охири хайрли бўлади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида шундай одат бор, турмуш кураётган ёшлар тўйдан аввал шифокор-генетик қабулида бўлиб, маслаҳатларини оладилар. Агарда шифокор қабулида йигит ёки қиз ўзидаги ай-

<sup>6</sup>«Туркистон» газетасига илова. 2000 йил 23 феврал, №8 (65)

рим касалликни яширса, табиийки, яхши даволана олмайди. Шу боис ирсият бўйича мутахассис ҳузуридаги келин-куёвлар нафақат ўзлари, балки аждодлари, ота-боболари ва бошқа қариндош-уруғлари ҳақидаги маълумотларни ҳам берадилар.

Бизда эса, кўпчилик ҳолларда аждодларида бирон-бир рухий ёки ирсий хасталик бўлса ҳам, уялиб айтмайдилар. Аксинча, келажак авлоди соғлом бўлишини орзу қиладиган ҳар бир жуфт, келин-куёв тиббий кўриқдан ўтиши лозим ва зарур. Буни асло унутманг! Мана, юртимизда бу масала муҳим эканлиги учун қонун кучга кирди ва алоҳида низом ишлаб чиқилди. «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланди. Бу низомга турмуш қураётган ёшларнинг ҳар бири қаттиқ риоя қиласалар, қураётган оилалари мустаҳкам бўлади. Хулоса шуки, турмуш қураётган ҳар икки ёш ўзларини қанчалар соғлом ва бақувват сезишларидан қатъий назар, тиббий кўриқдан ўтишлари шарт. Юқорида айтилганларга қатъий амал қилганингиздан кейингина оилавий ҳаётга киришишингиз мумкин. Тасаввур қилинг, айтганларимизга амал қилиб, тиббий кўриқдан ҳам ўтиб, кўнглингиз тўлди, ўзингиз ҳам, севгилингиз ҳам ҳар томонлама соғлом экансизлар, энди навбат никоҳ тадбирларига.

## НИКОҲ

Никоҳ Фуқаролик далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасидан).

Турмуш қураётган қиз ва йигит бир ой аввал ФХДЁ идорасига ариза бериб, шу муддат тугагач ФХДЁ гувоҳномасини олганларидан кейин шаърий йўл билан ҳам никоҳ ўқитишлари миллий урф-одатларимизга кўра шарт. Никоҳ хутбасини кишлоқ ёки фуқаролар йиғинлари ўрамидаги масжиднинг имом-хатиби ёки диний саводхон бошқа бир ходими – домла ўқийди.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эрхотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур этиш тақиқланади. (Оила кодекси, 14-модда).

Никоҳ тузишга монёлик қиладиган ҳолатлар:

Никоҳ тузишга:

лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди. (Оила кодекси, 16-модда).

Демак, юқоридаги ҳолларда никоҳ тузилмайди. Эътибор беринг, яқин қариндош-уруғлар ўртасида ҳам никоҳ тузилмайди.



## НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

Оила кодексининг «Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби» деб номланган бобида «Никоҳ шартномасини тузиш»га оид 30-модда бор. Унга кўра никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ёки никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. 31-моддада шундай дейилади:

«... Эр-хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли».

Ўғлоним, никоҳ шартномасини албатта тузинг, аммо оила бузилиб, шартнома орқали эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқини муҳокама қилишдан ўзи асрасин.

Никоҳ шартномасини тузиш эркак кишига қанчалар зарур бўлса, аёл кишига ундан ҳам муҳимроқдир. Чунки бу айрим бемехр эрларнинг аёлини кўлида боласи билан кўчага ҳайдаб кўйишдек бемазагарчиликлар қилишларига қарши тадбир бўлади.

Ҳозирги даврда ер юзининг барча мамлакатларида ҳам никоҳ амалга оширилади. Ҳар қайси давлатнинг, миллат ва элатнинг ўз урф-одатлари ва кадрятлари асосида никоҳ маросимлари турлича ўтказилади.

Бизнинг мамлакатимизда никоҳдан ўтиб оила қуришга ўғил болалар 18 ёшга, қизлар 17 ёшга етганларидан кейин руҳсат этилади.

Никоҳ йигит билан қиз ўртасида оила қуриш учун тузилган ихтиёрий битимдир, у никоҳни қайд қилувчи давлат идоралари (ФХДЁ бюролари) орқали рўйхатга олинади.

Никоҳ ёшига етган ва бир-бирлари билан оила қуриб, бирга яшашни ихтиёр қилган йигит ва қиз ФХДЁ бюросига бир ой олдин ариза беришлари шарт.

Никоҳ ёшига етган ҳар бир қиз ҳам, ўғил ҳам энг аввало оилавий ҳаётга тайёр бўлиши, эр-хотин ўртасидаги бурч ва мажбуриятлар нималардан иборатлигини яхши билиши керак.

Никоҳ йигит ва қизнинг ихтиёрий келишуви билан амалга оширилади ва келишмай қолса, исталган вақтда ажрашиб, бекор қилинади, деб қарамаслик керак. Шунинг учун ҳам оилавий муносабатлар қонун йўли билан тартибга солинади, давлат томонидан муҳофаза қилинади. Оиланинг бузилиши, эр-хотиннинг ажралиб кетиши давлат назоратида бўлади, никоҳ ва оила Ўзбекистонда қуйидаги принципларга итоат қилади:

– Якка никоҳлик принципи – ҳар бир эркак ёки аёл фақат битта никоҳда бўлади.

– Никоҳнинг ихтиёрийлиги ҳар икки жинсдаги инсонлар ўз ихтиёрлари билан никоҳдан ўтишлари керак. Ҳеч кимнинг мажбурлаш ёки тазйиғи бўлмаслиги керак.

– Ажралишнинг эркинлиги – эр ёки хотин бирон-бир сабабга кўра бундан буён бирга яшолмаслиги сабабли ажрашмоқчи бўлсалар, улар ажралиш ҳуқуқига эгадирлар. Бирок юқорида айтганимиздек, бу иш давлат назоратида бўлиб, никоҳ фақат халқ судида бекор қилинади.

– Оилада эркак ва аёл ҳам ҳуқуқий, ҳам мулкий жиҳатдан тенг ҳуқуқлидир.

– Оилада болаларни ўқитиб-тарбиялаб, жамиятга қўшишга ота-она масъулдир.

Мана шу шартлар амалга оширилиб, ФХДЁдан ўтиб, никоҳ қилинган, икки ёш бир-бирларига жуфти ҳалол ҳисобланади.

Биз юқорида оилани жамиятнинг бир бўлаги, мамлакатнинг кичик бир «хужайраси»га қиёсладик. Дарҳақиқат, жамият тараққиётида ҳам, мамлакатнинг раванқ топиши, юксалишида ҳам оиланинг ўз ўрни бор. Оилалари тинч, мустаҳкам, тўқ ва фаровон мамлакат ҳамиша юксалишда, ривожланишда бўлади, мустаҳкамланади.

Шунинг учун ҳам оила масаласи, оилавий муносабатлар қонун йўли билан ҳимоя қилинади, давлат назоратида туради. Оилавий муносабатлар, масалан, эр-хотиннинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, оиладаги кексаларнинг, қайнона-қайноталарнинг эъзозланиши каби оилавий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам қонун орқали бошқарилмайди, балки жамоатчилик йўли билан, миллий урф-одатлар, қадриятлар ва ахлоқ-одоб қоидалари асосида ҳал қилинади. Оилавий муносабатлар яна ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, масалан, пенсия таъминоти, уй-жой ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи каби ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солиниб ҳимоя қилинади.

## **ОРЗУ-ҲАВАСЛАР ВА ИЛЛАТЛАР**

Ёшларимиз шуни билиб қўйсинларки, не-не орзу-умидлар билан тузилган никоҳ, қурилган оиллага нифоқ тушмасин. Ҳеч кимсанинг иккинчи марта никоҳга кириши лозим бўлмасин. Ота-она фарзандини балоғатга етказиб, ўғли ёки қизи туфайли эл олдига дастурхон ёзар экан, албатта, болам бахтли бўлсин, деб ният қилади, орзу-ҳавас қилади.

Ота-она зоти борки, тўю тантаналар билан, шоду хурамлик билан кузатган, бошқа оилага узатган кизини бахтли бўлишини ўйлайди. Ўз фарзандини кўзда ёши билан эшикдан қайтиб кириб келиши ота-она пешонасининг шўридир.

Ёшлар ҳали бундай қайғуни ўз таналарида синаб кўрмаганлари учун, балки катталар чекадиган изтиробларни чуқур ҳис қила олмаслар. Ота-она қалби қанчалар вайрон бўлса ҳам, қанчалик ларзага тушса ҳам, боласига билдирмасликка, сездирмасликка уринади. Ахир фарзанд улар учун жондан ҳам азиз-ку!

Ота-оналарининг, ўзларининг ҳам қалбларини жароҳатламаслик, кўрган орзу-ҳавасларини чилпарчин қилмаслик учун ёшлар оилани, никоҳни муқаддас билиб, бир-бирларини тушуниб, биридан ўтганини иккинчиси кечириб, муроса билан яшасалар, олам гулистон.

Лекин орзу-ҳаваслар ҳам кейинги пайтларда айрим иллатларнинг сукилиб кириши эвазига ғовлаб кетмоқда. Биргина никоҳ ва «загс» машмашалари анча-мунча ота-онани тўйгачаёқ нуратиб қўймоқда.

Оддийгина қилиб келин-куёв иккита ёки учта дугона ва ўртоқлари билан бориб, ФХДЁдан ўтиб келишлари ўрнига айримлар шу маросимни ҳам кичикроқ тўйдек қилиб ўтказмоқдалар. Ўнлаб, йигирмалаб енгил машиналарни безаб, ҳатто мотоциклчилар эскорти билан кузатиб бориб, бутун маҳаллани, кўчани, шаҳарни бошларига кўтариб, шовқинсурон билан барча автомашиналарнинг сигналини чалиш, аҳолининг, жамоатчиликнинг тинчлигини бузиш ҳоллари тобора илдиз отмоқда. Яна буниси ҳам стмагандай, ФХДЁдан рўйхатдан ўтгандан кейин куёв-келиннинг дугоналари билан меҳмон қилиш учун ресторанларни сотиб олиш, катта-катта оромгоҳларни банд қилиб, ноғора-карнайлар билан базм қилиш одат тусига кириб бормоқда. Ўтиришларда эса, ёш қиз-

Йигитларнинг ичиб, маст бўлиб, ҳар хил беҳаё, беибо ўйин-кулгулар, ярашиксиз қилиқлар қилишлари, ичкилик орқасидан жанжал чиқиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди.

Эндигина ФХДЁ оstonасидан қайтган, хали куёвболанинг оstonасини ҳатлаб ўтмаган келинга, хали чимилдиқнинг ифори димоғига урилмаган куёв йигитга ҳам «қиттаккина қилиб ол, ўзингни бардам тутасан», деб заҳри-қотилдан тоткизиб кўйишдек шайтонга хос қилиқларни қилгувчи ёшлар ҳам бор. Бундай тантаналардан сармаст бўлган руддаги йигитларнинг викор билан кўча тўла одамлар олдидан машинани елдек учириб ўтишларига жавобан норозилик билан: «Падарингга ланат, секинрок, шовқин-суронсиз юрса нима бўларкин!..» – дейдиган йўловчиларнинг сон-саногии йўк. Ҳаддиларидан ошган ёшларни ичларида қарғаб юборган шовқин-сурон ёкмайдиган касалманд одамлар, кексалар қанча экан. Ахир наҳотки, пайти келганда одам боласининг кўзи «кўрмай» қолса... Ҳали ўзи бир чақа топиб, ҳеч йўк маҳалла-кўйининг оддий кўчасини асфальт қилиб, ёки бирор эҳтиёжманднинг йиқилган деворини бепул таъмирлаб бермаган бўлса, ота-онасининг давлатига шунчалар қувониб, шунчалар ховликса, бу ишлар йигит киши учун жуда номуносиб-ку. Ҳали ўзи пул топсин, ўзи мол топсин, шунда кўчада юриш қилса ярашар. Менимча, эс-хуши жойида, етарли тарбия олган йигит ҳатто ўша даражага борганда ҳам кўчада бундай беҳуда намоишни қилмайди.

Бир мудҳиш воқеа кечагидек эсимда. Йигирмага яқин енгил машиналар галаси Водил томон учиб борарди. Энг олдиндаги импорт машинада келин-куёв, йигитнинг жўраси, қизнинг дугонаси, машиналар алвонлар билан безатилган, кўчага сиғмай кетишяпти. Ҳамма машина бараварига сигналларини чалиб, гўёки Фарғона томондан Водил томонга довул келаётгандай кўчадагилар хайрон. Биров: «Кимнинг фарзанди экан, роса орзу-ҳавас қилган одамларнинг боласи экан-да?» – деса, «Кимнинг боласи бўларди, босар-тусарини билмай, пул

топиб ақл топмаган бирорта бемаънининг боласи-да, оддий кишиларнинг боласи бунақанги ишларни қилармиди?» – дейди бошқаси.

Кўчада кетаётган йўловчиларнинг бари ранжиган. Шу дамда: «Эй бола, ўзингни босиб ол! Машинани секинроқ ҳайда, назардан қоласан! Эҳтиёт бўл, бу кўпчилик орасида нафаси ўткир, назари билан тошни ёрадиган, худога етишган одамлар бор, уларни безовта қилма, бир фалокат рўй бермасин тагин», – дейдиган одам йўк. Бўлса ҳам бунча тўс-тўполонни келтириб чиқараётган машиналар галасини тўхтатиш иложсиз. Улар ўтиб борарди. Кўрган ёқасини ушлар, кимдир, бу ёшларнинг беодобликларида уларнинг ота-онасини айбдор, деса, кимдир, ота-оналари кечгача ишда, буларга қўли тегиб тарбия беролмайди, ойлигини жарақ-жарақ қилиб санаб олиб, бола ўқитяпман деб юрган муаллимлар қаёқда қолди, деб куюнади.

Мана ёшлар ўзларида йўк шод, Водилдаги тарихий чинорлар соясига серфайз қилиб тузаб қўйилган дастурхон атрофига ўтиришди. Чинорлар минг ёшга киргунларича бу ердан не-не азиз инсонлар ўтган. Ўтганлар ҳақиқага дуо қилиш тушмагур ёшларнинг ақалли ёдларига ҳам келмади. Ўтириб ҳордик чиқардилар, қиттай-қиттай қилишди. Базму-жамшид авжига чиқди. Туриб машиналарга ўтирдилар. Яна ўша мағрурлик, яна ўша ёшларга хос шўхлик. Учиб бораётган автомашиналар галаси олдида кетаётган, келин-куёв ўтирган хориж автомашинаси елдек учиб борар, рулда ўтирган йигит эса, ҳали Фарғона кўчаларида бундай машина камлигидан гердеяр, тезликда ҳеч ким унга бас кела олмаслигидан хурсанд эди. Тезликка тезлик қўшиб қушдай учарди. Ана шу кибру ҳавоси унинг кўз олдини хиралаштирдими, ёки бирор назар урдими, рўпарасидан келаётган ЗИЛ-130 юк автомашинаси бурилишдан чикқанда, ундан ўзини олиб қочолмади ва машинага урилиб, унинг тагига кириб кетди. Олам бир лаҳза тебрландими, яшин ялаб ўтдими,

ортда келаётганлар англамай қолдилар. Юк автомобили остидан пачоқланиб кетган машина бўлақларини тортиб олганларида беш навқироннинг ҳаёти сўниб улгурган, рулдаги йигит, куёв-келин, куёвнинг жўраси, келиннинг дугонаси тил тортмай бандаликни бажо келтирган эдилар.

Инсоннинггина эмас, қурт-қумурсқанинг бошига ҳам солмасин бундай жудоликни. Ҳаммаёқ бир лаҳзада мотамсаро тўн кийди. Борлиқ табиат, кўзи тушган инсон, бу беш нафар очилмай сўлган гулларга, висол окшоми арафасида, ҳали чимилдикқа етиб бормай ҳаётдан кўз юмган ошиқ-маъшиқларга юм-юм йиғлади, аза очди.

Ота-оналарининг топган-тутганлари кўкка совурилди, тўй азага айланди. Лекин ҳамма-ҳаммасини, тўйни ҳам, бор-будини ҳам шамол учирса розийди, агар нури дийдалари соғомон қолганда. Фарзанд эмас, бу машъум хабарни эшитгач, ота-она ўлди, ўлганда ҳам тирик ўлди. Бу инсонларга энди дунёнинг не қизиғи қолди? Аммо Аллоҳ инсонга сабр берган, йиғлаб-йиғлаб, беш ота-она беш фарзандни дафн этди. Қаро ерга топширди. Шундан кейин Фарғонада никоҳ маросимларини, ФХДЁ гувоҳномаларини топшириш тантаналарини фақат тўйда ўтказишга қарор қилинди. Келин-куёвларнинг кўчаларда қатор-қатор машиналар билан ФХДЁга боришлари барҳам топди.

Бу воқеанинг содир бўлганига ҳам 15-20 йилдан ошди. Аммо одамзотнинг бир ёмон феъли бор. «Эҳтиёт бўл, олдинда девор бор. Бошингни урасан!» деган насиҳатни эшитганда айримлар хушёр бўлиш ўрнига қўл силтайди, «Айтди, кўйдида»деб эътибор бермайди. «Гурс» этиб деворга бошини ургач, аттанг қилади. Бошдаги яра тузалгач, оғриқ босилгач, ҳаммаси эсдан чиқади, хато янгидан такрорланади. Мана, юқорида тафсилоти келтирилган машъум воқеа ҳам одамларнинг эсидан чиқди. ФХДЁ тантаналари яна меъёридан ошмоқда. Ёшлари-

мизни Оллоҳ асрасин, ҳеч бирининг оёғига тикон кирмасин. Ахир ҳар қанча тантана бўлса, тўй куни амалга оширса бўлади-ку. Тўйдан олдин келин-куёв ва уларнинг ўртоқлари, кўп эмас, икки-уч машинада ФХДЁ бюросига бориб, никоҳни расмийлаштириб келишлари, тўй куни эса базм бошланиши олдидан никоҳ гувоҳномасини ФХДЁ бюроси ходими томонидан тантанали топширилиши одат тусига кирганди. Шундай қилса ҳам бўлади-ку. Нега айримлар жамият билан ҳисоблашмайди? Ўзбошимчалик билан, кимўзарга ФХДЁ ва тўй маросимларини турли хил ортиқча расм-русумлар билан бўяб ташлаётган кимсалар ҳам инсофга келиши керак-ку! Эй бўлажак ота, азиз фарзанд! Билиб қўйинг, сизнинг бахтли бўлишингиз, жуфти ҳалолингиз билан кўша қаришингиз асло ва асло тўйингизнинг қаңчалар дабдабали ўтишига боғлиқ эмас. Шуни яхши билинг-да, эл-юрт ўртасида ортиқча «бўйингиз»ни кўрсатаверманг. Экиннинг орасида ёввойи ўтлар кўпроқ бўй чўзади. Шу боис у тезроқ ўрилиб кетади, эҳтиёт бўлинг азизим, элга ва яратганга малол келадиган ишни қилманг.

Ҳа, азиз ёшлар, инсон боласига 40 ёшгача ўлим йўқ экан, кимки шу ёшгача ўлимга рўбарў келса, у «Ҳазрат Алининг қиличига ўзини уриб олибди» дейди халқимиз.

Инсон боласи ёшлиқдан ўзини босиб, камтарона ҳаёт кечиришга мослашса, оддий инсон эканлигини тан олиб, доимо яхшилиқ ҳақида ўйлаб, эл-улусни хурсанд қилиш ишида яшаса, завол топмайди.

Азиз ёшлар! Умид билан қадам босганингиз ФХДЁ остонаси ҳам, тўлқинланиб-тўлқинланиб, висол кунлари яқинлашганидан сармаст бўлиб, имзо қўйиб, қўлга олган никоҳ гувоҳномангиз ҳам сизларнинг қўша-қаришингизга, ували-жували бўлиб, «олтин тўй»ларингизни ўтказишингизга гувоҳ бўлсин. Бахтли бўлинглар.



## ЧИМИЛДИҚ СИРЛАРИ

Сиз яна шуни ҳам билингки, айрим тенгдошларингизда никохнинг биринчи кечаси муваффақиятсиз ўтиши ҳам мумкин. Нега дейсизми, мана мутахассислар маслаҳатига эътибор беринг. Таниқли уролог олим Абдулла Шоносиров «Аёл ёки эркак жинсий қобилятининг суствлигига нималарни сабаб деб биласиз?» дейилган саволга куйидагича жавоб беради:

«Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Орқа мияда эрекция ва эякуляция маркази мавжуд бўлиб, импотенция (*жинсий ожизлик-бизнинг шарҳ*) ана шу марказларнинг турли захарлар билан, аксарият ҳолларда алкоголь ва никотин оғуси билан зарарланишига боғлиқ. Аёл кишининг хатти-ҳаракати эркак кишига кучли таъсир қилади.

Баъзан ёшлар порнографик, уятсиз киноларни узлуксиз томоша қиладилар. Бу эса, улар учун ниҳоятда зарарли. Ёш организм сал нарсага уйғонади. Эрекция содир бўлади. Лекин бўшаниш юз бермагач, аъзолар зўриқади. Бу ҳол тез-тез такрорланавергач, орқа миядаги кўзғолиш маркази ишдан чиқади. Эркаклик қуввати сўнади. Ёшлиқдан узоқ вақт ва кўп марта онанизм билан шуғулланиш ҳам ёмон оқибатларга олиб келади, умуман олганда, импотенцияни аста-секинлик билан даволаса бўлади. У эркак кишидаги вақтинчалик руҳий ҳолатга боғлиқдир».

Кўрдингизми, ўғлоним, йигит киши ўзини-ўзи бошқармай, турли шахвоний ҳирсини кўзғотувчи омиллардан эҳтиёт қилмай, уйлангунча ҳам ўз жинсий қобилятни сусайтириб олиши ҳеч гап эмас экан. Ўғил боланинг биринчи қовишувдан кўрқадиган, иккиланадиган жойи йўқ. Ҳаяжонланишнинг ҳам ҳожати йўқ. Фақат йигит киши ўзини юкорида айтилган турли хилдаги беҳаё томошалар ва шахвоний ҳирсини уйғотадиган ишлардан сақласа,

\*«Сихат-саломатлик» журнали. 1994 йил, 7-8-9 сонлар.

чимилдикқа киришдан олдин «шу ишни эплармиканман» деб хаяжонланмаса бас. Буюк бобокалонимиз, тиббиёт фанининг отаси Абу Али Ибн Синонинг айтишича ҳам, ўғил боладаги хаяжон, «уддалай олармиканман» деган фикр унинг катта душмани экан. Шу хаёлларга бориш инсон руҳиятига таъсир қилиб, уни руҳий импотенцияга гирифтор қилиши мумкин. Буни тушуниб олинг ва ушбу маслаҳатларга ҳамиша амал қилинг.

«Мустакиллик шарофати туфайли, – деб ёзади самарқандлик Б. исмли йигит, – бугун матбуотда оила, никоҳ хусусида очик-ойдин ёзишяпти. Бунинг албатта одамларга, айниқса, ҳали оила қуриб улгурмаган ёшларга сабоқ бўладиган жиҳатлари жуда кўп.

Шу ўринда мен ҳам никоҳ арафасида бошимдан кечирган бир воқеани сўзлаб бермоқчиман. Қисқаси, мен ҳарбий хизматни тугатиб қайтгач, ота-онам тўй тараддудини бошлаб юборишди. Кўз остиларига олиб юрган кўшни қишлоқдаги қизга уйлантириб қўйишди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Ҳамма хурсанд. Ёру-дўстларимиз ёр-ёр айтиб қизни чимилдикқа кузатиб қўйишди. Янгалар ҳам ўзларича шивир-шивир қилиб кўшни хонага чиқиб кетишди. Орзуимдаги илк висол окшоми... Бундай пайтда одамзот қандай хаяжонлар қуршовида қолишини бошидан ўтганлар яхши билишса керак. Биз ҳам ана шундай хаяжонда эдик. Бир-биримизга тикилардик. Кўнгилда уятми, ийманишми, шунга ўхшаш ажиб ҳислар. Шу пайт кўшни хонадан пиқ-пиқ кулгулар, турли товушлар эшитилди. Булар янгалар эди. Буни англаб негадир кўнглим хижил бўлди. Ташқарига йўналдим. Янгаларнинг шаддодроғи тилини тиёлмай: «Нега қочиб чиқдингиз, куёв?» деб қолди. Унинг гапидан ўзимни айбдордек сеза бошладим. Қип-қизарганча нари кетдим. Кун бўйи кайфиятим тунд, нохуш бўлиб, кайфиятда юрдим.

Шунинг таъсири бўлса керак, иккинчи кеча ҳам... Энди соғлигимга ўзим ҳам шубҳа қила бошладим. Хаёлимга ҳар хил воқеалар келади. Бу дунёда ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Орадан бир ойлар ўтгач, Тошкентга, врач хузурига бордим. Буни карангки, тиббий кўрикдан ўтказгач, «соппа-соғсиз» дейишди. Мен факат рухий изтироб домига тушиб қолиб, ўзимни касал санаб юрган эканман. Албатта, бу рухий ҳолат янгаларнинг ўша кунги пичинг аралаш сўзларидан кейин пайдо бўлганди... Худога шукур, ҳозир икки нафар фарзандим бор. Оилам билан яхши яшаяпман. Аммо шунча изтироб чекишимга мажбур қилган янгалар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишганмикин?»<sup>7</sup>

Янгалар хулоса чиқариб олдими, йўқми, бизга қоронғу. Аммо шу нарса аёнки, никоҳнинг биринчи кечасида ўзини ноқулай сезган, ҳар қандай шивир-шивир ёки итнинг хуриши-ю, мушукнинг овози асабини бузаверган йигитга қандай баҳо берамиз? Биласизми, ўғлоним, сизнинг ёшингизда инсон боласининг асаблари ниҳоятда мустаҳкам, руҳияти тетик бўлиши керак. Бундай тегманозиклик эса, факат «ёшлик-бебошлик» деганларидек, балоғат ёшида ҳадеб беҳаё фильмларни, аёлларнинг яланғоч суратларини кўравериб, бевурд, бемаза клиплардаги ибосиз қиз-жувонларнинг қош учуриб, кўз сузишларига, очиқ таналарига сукланиб қарайвериб, ҳар сафар шаҳвоний хирсини уйғотиб, аммо организми талабини бундай жавобсиз, натижасиз кўзғолишдан кейин мажбурий сўндириш эвазига уни «тепса тебранмас» қилиб олган йигитлардагина бўлиши мумкин.

Яна шу нарсани билингки, ҳозирги глобаллашув даврида айрим кучлар бегона мафкураларни, ёт ғояларни ўзга юртларда яшовчи инсонлар онгида синаб кўришга уринмоқдалар. Мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бормоқда. Четдан туриб миллий урф-одатларимизга

<sup>7</sup>«Оила ва жамият» газетаси. 1997 йил октябр, 40-сон

зид бўлган зарарли ғоялар билан айниқса ёшларимизнинг калби ва онгини заҳарлаш учун ғоят кескин курашлар олиб борилмоқда. Турли беҳаёликларни, ахлоқсизликларни тарғиб қилувчи видеомаҳсулотларнинг тарқатилиши ҳам шундай ғаразли мақсадларга хизмат қиляпти. Ушбу фикрларимизни тасдиқлаш учун бир мисол келтирамиз.

Француз ёзувчиси Маркиз Де Сад ўз авлодларига шундай насиҳат қилади: «Биз бутун дунёни эгалламоғимиз учун бундан буён катта муҳорабаларда қатнашишимиз, жангу-жадаллар юритиб, дунёнинг қарийб узоқ ўлкаларида фаранг аскарлари халок бўлиши-ю, унинг жасади ва этиклари чириб битиши мутлоқ шарт эмас. Агар биз бошқа мамлакатларга, хусусан Шарққа ахлоқимизни (тўғрироғи ахлоқсизликларни) меникидай китоблар билан ва бошқа йўллар билан тарқата олсак, уни ўша халқларнинг турмуш тарзига айлантира билсак, жумлаи жаҳон оёғимиз остига ўзи йиқилиб келади. Бутун одамзотнинг қалбига эгалик қилишга муваффақ бўламиз»<sup>8</sup>.

Ана сизларга зарарли ғоя ва мафкуралари билан бизларни ўзлигимиздан айиришга, адаштиришга уринаётган қора ниятли ғанимларимизнинг асл башараси. Билиб-билмай уларнинг ноғорасига ўйнашдан эҳтиёт бўлмоқ зарур. Улар бизга интернет тармоғи, турли ур-йиқит фильмлар, ҳар хил сериаллар орқали мусиқа ва рақсларини (яъни «санъати»)ни тикиштириб, ёшларимиз онгию қалбини заҳарлаб, тўғри бораётган йўлларида четга чиқариб, ўз ғоялари ва мафкураларининг шайдосига айлантиришмоқчи. Ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлинг, азиз ёшлар!

---

<sup>8</sup> «Тафаккур» журнали, 2002 йил феврал сони.

## САДОҚАТ МУСТАҲКАМ ОИЛА УСТУНИДИР

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул аброр» достонида хикоя қилинишича, буюк бобокалонимиз Амир Темур Ҳиндистонга қилган юришида қаттиқ қаршилик кўрсатган асирларни ўлимга ҳукм қилади. Ҳукм ижро этилаётган пайтда навбат бир эр-хотинга тўғри келади. Шунда хотин: «Эй жаллод, олдин менинг бошимни танимдан жудо қилишингни сўрайман, токи эримнинг ўлишини кўрмайин!» деб фарёд қилади. Шу заҳоти эри ҳам оҳ уриб: «Йўқ! Олдин мени қатл қилинглар, токи мен вафодоримнинг ўлимини кўрмайин» деб илтимос қилади. Бу воқеани эшитган соҳибқирон эр-хотиннинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббати-ю, садокатини эъозлаб гуноҳларини кечириб, уларни, шу билан бирга ўлимга маҳкум этилган бошқа барча асирларни ҳам озод этади.

Бундай жуфтликни инсон зотининг оилавий ҳаётига намуна қилиб, кўкларга кўтарса арзийди. Ўз жуфтининг бу даражада меҳрини қозониш, унинг ишончига кириб бориш осонликча бўлмайди. Айнан оилада эркагу аёл орасидаги садокат, меҳру оқибатнинг бундай олий намуналари ноёб ва умуминсоний кадрият ҳисобланади.

Жаҳондаги етти мўъжизанинг бири саналадиган, Ҳиндистоннинг Агра шаҳри яқинидаги Жамна дарёси бўйида барпо этилган жаҳон меъморчилигининг дурдонаси Тож Маҳал ҳам эр-хотиннинг бир-бирига садокати, юксак муҳаббатининг тимсоли бўлиб, XVII асрдан ҳозиргача барчани ҳайратга солиб келмоқда. Бу ажойиб севги обидасини Акбаршоҳнинг набираси Шох Жаҳон (Хуррамшоҳ) ўзининг севимли рафикаси Мумтоз Маҳал хотираси шарафига қурдирган.

«... Мумтоз Маҳал ўзининг иффати ва ибоси, тенги йўк хусни ва беназир ақл-заковати ҳамда завжасига бўлган са-

мимий садоқати туфайли саройда чиндан ҳам бекиёс обрў-эътибор ва шуҳрат қозонган. Бу гўзаллар маликаси 1631 йилда ўн тўртинчи фарзандини туғиш пайтида бевақт вафот этган».

Тарихчи олим Турғун Файзиевнинг «Темурийлар ша-жараси» асарида қайд қилинганидек, Мумтоз Маҳал бегим ўлими олдидан фарзандлари билан видолашар экан, Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан хабардор бўлиб туришини, унга муттасил ғамхўрлик қилиб туришини катта кизи Жаҳонаро бегимга васият қилган. Айни вақтда эри Шоҳ Жаҳонга илтижо қилиб, унинг болаларига меҳрибон, марҳаматли бўлишини, бошқа уйланмаслигини ва ниҳоят унга (Мумтоз Маҳалга) атаб дунёда тенги йўқ ҳашаматли бир мақбара қурдиришини васият қилган. Токи, бу мақбара эр-хотин садоқатининг жонли намунаси сифатида асрлар давомида қуёш каби ҳамиша порлаб турсин.

Умр бўйи рафикасига бутун борлиғи билан вафодор ва ўта садоқатли бўлган Шоҳ Жаҳон рафикасининг васиятларини беками-кўст мукаммал бажарган ва ўзининг сўнги ўттиз олти йиллик умри давомида уйланмай ўтган. У рафикасининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унга атаб, юқорида айтилганидек, оқ мрамрдан улкан мақбара бунёд эттирган. Мақбаранинг бошига қўйилган Тож рамзида Мумтоз Маҳалга Тож Маҳал деб ном берилган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бино қурилишида Ўрта Осиё, Эрон, Жанубий Оврўпа меъморчилиги ютуқларидан фойдаланилган. Мақбара турк меъмори, устод Муҳаммад Исохон афанди бошчилигида ўн саккиз йил (1632-1650 йиллар) мобайнида қурилган. Ўта ҳашаматли бу улуғвор санъат обидасининг деворлари кўзни камаштирадиган қимматбаҳо нодир тошлар (ҳақиқ, марварид, садаф, қаҳрабо, зумрад, ёкут, фил суяги кабилар) билан безатилиб ишланган.

Сағана қўйилган хона катта гумбаз билан қопланган бош бино бўлиб, 104x104x7 метрдан иборат улкан супа устида

жойлашган. Супанинг тўрт томонида бўйи 45 метрли тўртта ҳашаматли бино барпо этилган.

Шу тариқа Шоҳ Жаҳон ўз завжасига бўлган садоқатини машҳури жаҳон қилди ва башарият тарихида ўчмас из қолдирди. У 1666 йилда Тож Маҳал мақбарасига термулиб қизи Жаҳонаро бегим қўлида бу ёруғ дунёдан кўз юмди...»<sup>9</sup> Бундай бахтга, бундай садоқатга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Ахир дунёга бир марта келадиган инсонлар бу ҳаётнинг қадрига етиб, шундай аҳил-иноқ ва тотли яшашлари керак-ку. Мана эр-хотиннинг ўзаро муҳаббати, вафодорлигига яна бир мисол.

Тарихдан шу нарса маълумки, Қўкон хони Умархон ва унинг рафиқаси Нодирабегимлар ҳам бир бирларига ўта садоқатли бўлганлар. Шунга қарамай, жон бор жойда жанжал бор, деганларидек, кунларнинг бирида Умархон билан Нодирабегим орасида гап қочиб қолибди. Шунда андек қизишиб кетган Умархон Нодирабегимга юзланиб: «Хоним, бекам, бу маскандан ўзингиз яхши кўрган энг қимматли нарсани олиб Андижонга жўнаб кетишингиз мумкин» дебди. Шундан кейин оқшом кириб, коронғу тушгач, Умархон кечки овқатни тановул қилаётиб, гиёҳдан тайёрланган уйқудори қўшилган чойни билмай ичиб юборибди ва қаттиқ ухлаб қолибди. Хон эрта наҳорда уйғониб қараса, аравага тўшалган яп-янги шоҳона тўшаклар устида ётибди, ёнида эса, Нодирабегим парвона бўлиб ўтирибди. Умархон Нодирабегимга юзланиб: «Бу не ҳол, биз қаён кетяпмиз?» дебди. Нодирабегим эса, кулимсираб: «Ҳазратим, фармойишлари камина учун муқаддасдур. Шу боис мен уни дарҳол бажаришга киришдим, яъни мен учун саройингиздаги энг қимматли, дунёда меним учун энг азиз зотни олиб Андижон сари кетаётирман» дебди. Бу гапларни эшитган Умархон роса кулибди ва Нодирабегимнинг биллурдек пок севгисига, садоқати буюклигига тан берибди ва уни умр бўйи асраб-авайлашга яна бир бор аҳд қилибди.

<sup>9</sup>«Оила ва жамият» газетаси. 2000 йил, 38-сон.

Эй азиз фарзанд, сиз ҳам бор имкониятингиз билан оилани тебратинг. Келин бола худо берса келаси йили бешик тебратади. Қиз болани ҳам она бўлишга етказсин. Жуфтингиз сизнинг уйингизга янги келди. Дарахт кўчатиниям бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтказсангиз, уни кўклатиб олиш анча қийин. Қиз бола ҳам бир оиладан иккинчи оилага боргач, унинг ўсиб-униб кетиши, шу оилага ҳар томонлама ўрганиб сингиб кетиши осонмас. Бунинг учун сизнинг инсоний фазилатларингиз жуда керак. Тўйдан кейин келин-куёв орасига совуқлик кўпроқ «Сеникилар тўйда нима келтирди» деган сўроқ-истакдан келиб чиқади.

«Шуми орзу-хавас билан қилгани?» деб келин болани ранжитманг. Мол топилади, кўнгилни топиш қийин. Илк Ҷисол онлариданоқ қилинган бундай дағал муомала келин боланинг қалбини тирнаб ўтмасин, эҳтиёт бўлинг. Бундан кейин сиз икки нарса ҳақида кўпроқ ўйланг! Биринчидан, сиҳат-саломатликларингиз, иккинчидан, бахтли яшаб кетишингиз, оилангиз мустаҳкам бўлиб, ували-жували бўлишларингиз. Агар шу икки нарса муҳайё бўлса, билингки, қолганини топасиз. Эркак кишининг қўли тош остида эмас, иншооллох, югуриб-елиб, ўз меҳнатларингиз билан ҳаммасига эришасиз.

Яна шуни билинки, бахтли яшаб кетишларингиз факатгина сизнинг топиш тутишингиз-у, оилани таъминлашингиз билан ўлчанмайди, балки ўз жуфти ҳалолингиз билан бир-бирингизни тушунишингиз, ўзаро хурмат, меҳру оқибатингизга ҳам боғлиқ. Хонадонингизга янги келган келин, биласизки, ота-она бағрида, ўз оиласи – ўз хонадониди эркин ўсган, у бирданига ўзга бир оилага, ўзга бир муҳитга тушиб колди. Бунинг устига уйдаги барча юмушлар, эрининг, ота-онасининг ва бошқаларнинг хизматини қилиш унинг зиммасида. Эндигина бошланган жинсий ҳаёт унинг танасида, руҳиятида ҳам маълум даражада ўзгаришларни келтириб чиқади. Ана шундай пайтда у ўзига мадад истайди, кўнглини кўтарувчи



икки оғиз сўзга махтал бўлади. Ота-онангиздан бир мартагина эшитган «Баракалла қизим, хўп яхши ишни қилибсиз-да», ёки «Умрингиздан барака топинг!» деган илиқ сўзларни эшитиши кўксини осмон қилиб қувонтиради. Ҳа, ўғлоним, яхшилик яхши-да, келинни бошидан ҳурматини қилиб, сизлаб чақирган ва яхшиликка ўргатган қайнона-қайнота, куёвбола савобли ишни қилган бўлади. Яхшиликка ўрганган одамга бир марта сен иборасини қўлласангиз унга жуда қаттиқ жазо бўлиб туюлади. Бунинг ўрнига «Хотинга бошидан маҳкам бўл, елкангга чиқариб олма!» каби ғўр маслаҳатларга учманг. Иззат-ҳурматига путур етмаган келин ҳеч вақт сизнинг гапингиздан чикмайди. Қачонки сиз уни «ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ» қилиб, зикналик қилаберсангиз, ана ундан кейин келинболанинг ҳам «тили чиқади», гапингизга яраша гап, сўзингизга яраша сўз қилади. Энди сиз жиғибийрон бўласиз, келиндан устун келишга ҳаракат қилиб, уни ҳатто ҳақоратлаш даражасига етиб борасиз. Шунда ғишт қолипидан кўчади, иккалангизнинг орангизга совукчилик тушади. Келинбола эса, бундай муомала-муносабатларга чидамасдан аразлаб кетади. Энди кўринг, бу ҳолатни эшитган сизнинг ота-онангиз жаҳллари чиқиб: «Нима, эркак бўлиб бир оғиз қаттиқ гапиришга ҳаққинг йўқ эканми? Танлаб-танлаб тозисига учрабмиз-да, ҳе тегманозик бўлмай...» каби бир арава гапни айтадилар. Қизларининг ҳали ҳеч қанча ўтмасдан эшигидан йиғлаб кириб келганини кўрган, ота-онаси жиғибийрон бўлиб, бир арава гапни улар қилади. Бу ҳолатлардан фойдаланган оёғи билан эмас, «оғзи билан юрадиган» гап ташувчиларга Худо беради. Биттага ўнта кўшиб, сизнинг ота- онангизга етказса, бошқалари ўнтага юзта кўшиб қизнинг ота- онасига етказди. Оқибатда қуда-андалар орасидаги муносабатга соя тушади. Тинчгина рўзгорингиз калқийди, чайқалади, муросага дарз кетади.

Кўрдингизми, азизим, ножўя маслаҳатларни деб шунча кўнгил қолдилар юз беради. Бунинг ўрнига сиз ўз жуф-

ти ҳалолнингизга гўзал муносабатда бўлинг. Мабодо у сизга ёқмайдиган қилиқ қилса, гап гапирса, кечиримли бўлинг, яхши сўзланг, насиҳат қилиб тушунтиринг. Натижада янаги сафар ўйлаброқ иш қилади, ўйлаброқ гапиради. Ахир инсонда, ўзига билдирилаётган иззат-ҳурматга қарши бормайди, андиша қилади. Сиз эса, шу йўл билан унга бора-бора яхши гапириб, айбларини кечириб, енгасиз ва устун бўласиз. Жисмоний кучингиз билан эмас, ақл кучингиз, ширин сўзингиз билан енгган, устун келган бўласиз. Хотинингиз ҳар қанча ўжар, ҳар қанча тажанг бўлса ҳам, охири хатосини тушуниб етади, «мен шунчалик нотўғри гапирсам ҳам, нотўғри муносабат қилган бўлсам ҳам, эрим менга қаттиқ гапирмайди-я, ахир эркак бўлса шунчалик бўлар-да» деб хурсанд бўлади. Ҳатто сизнинг яхшилигингиз ҳақида кўшни аёллар ичида ҳам гапиради. Бу гаплар аста-секин қайнота-қайнонангизнинг қулоғига ҳам етиб боради, улар сиздан миннатдор бўлиб, икки гапнинг бирида сизни алқаб, дуо қилишади. Ана, ўғлоним, яхшилиқнинг яхши эканини кўринг. Мана шунинг отини мураса дейдилар. Баъзан энди сиз ҳам ноўрин гап, ноўрин муносабат қилсангиз, хотинингиз ҳам кечиради, ўйлайди: «Мендан ўтса у кечиради-ку» деб. Мана шундай муомалага ўрганинг, энг яхши хислат-эркакнинг аччиғига аёл, аёлнинг қаҳрига эркак чидаб, бири ёнганда иккинчиси ўчишга одатланмоқ зарур. Аксинча бўлса, оилага бир кунмас-бир кун путур етади.

Сиз оила курган кунингиздан бошлабок, ўз умр йўлдошингизга шундай ғамхўр, эътиборли ва меҳрибон бўлингки, у сиздаги хислатлардан жонига ором олсин, қувониб гулгун яйрасин. Сиз уни «Бекам» деб чақиришга, у эса Сизни «Бегим» деб чақиришга одатланинглар. Кўпгина ҳолларда ёш келинлар ўз эрларини «Фалончи ака» деб атайдилар, бу эса, диний қадриятларимизга бутунлай зиддир. Ака билан эрнинг фарқини биладиган ҳар бир одамга бу аниқ, азизим. Янги

қурилган оилангизда ҳамиша оғир, муросали бўлинг. Ҳаёт мураккаб, инсонларнинг феълү атвори ҳам мураккаб. Ҳамманинг феълига қараб феъл, гапига қараб гап қилаверсангиз, муроса-ю мадоранинг имкони бўлмай қолади. Ҳаётда, айниқса оилавий ҳаётда, баъзан кўриб кўрмаганга оладиган, баъзан эса, кўриб чорасини қиладиган ишлар бўлади. Бундай ҳолатларда инсон ақлини ишга солиб, йўл топади, сиз ҳам ақл билан иш кўринг. Янги келиннинг, умуман аёл кишининг дили ниҳоятда нозик бўлади. Ҳадеб, ёш келинни-аёлингизни уйда ёлғиз қолдириб кўчама-кўча улфат қувманг, дайди улфатлардан кечинг. Кўп дайдимай, ишдан кейин уйга қайтинг. Ортиқча улфатчилик баднафсликка олиб келади. Баднафслик эса саломатликнинг заволи, турли касалликларнинг сабабчисидир.

Баъзан келин билан ота-онангиз орасида гап қочиб қолади, бундай ҳолларда сиз хотинингизни яхши гап билан инсофга чақиринг, унга насиҳат қилинг, кекса ота-онангиз билиб-билмасдан бирор қаттиқ гап айтиб юборса, улар билан тенглашмасин, чунки кекса одамларнинг асаблари таранг бўлади, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини кўравериб, ўз асабларини бошқара олмайдиган даражага бориб қоладилар. Ёшларнинг кексалардан хафа бўлишлари ноўрин, қари одамлар ҳадеганда ўзларини идора қила олмасликлари мумкин. Баъзан улар тутоқиб кетсалар, келинбола гап қайтариб яна аланга олдирмасин, бироз сабр қилса ўтиб кетади. Яна ўша ота, яна ўша оналигича қолади. Ахир умид билан келин олиб, бир фарзандим икки бўлди деб, қувониб юрган шулар-ку. Бу нуронийлар аччиғи кетса, келиннинг иродасига, ақлу одобига тан бериб, юзига айтмасалар ҳам ичларида таҳсинлар ўқийди, дуо қилади. Кексаларнинг дуосини олиш, уларнинг олқишига эришмоқ сизларнинг қўша қаришларингиз, оилангизнинг мустаҳкам бўлиши учун жуда зарур-ку.

Агар қайнона ва келин ўртасида бирор келишмовчилик келиб чиқса, ота-онангизни ҳурмат қилган киши бўлиб, дабдурустданок оғзингиздан боди кириб шоди чиқмасин. Айниқса, келин билан қайнона орасида келишмовчиликлар бўлиб туради, бундай ҳолларда сиз шундай артистлик килингки, келинга онангизни мактаб, «Онам сизга каттиқ гапиргани билан доим ҳақингизда яхши гапиради, у куни сизни мактаб ундай деди, бу куни сиздан хурсанд бўлиб бундай деди», денг. Онангизга эса, «Онажон, келинингиз сизни бироз хафа қилганига пушаймон, у доим сизни яхши кўриб гапиради», деб тилёғламачилик ҳам қилаверинг, икки кишини яраштириш, мурасага келтириш учун ёлғон гапириш гуноҳ эмас. Бу нарса ҳадиси шарифларда айтилган. Агар шу айтилганларга етарли аҳамият бермай, хотинни мушт билан, дўк-пўписалар билан енгаман деб ўйласангиз, хато қиласиз, оилангиздан жанжал аримай қолади. Агар бу жанжаллар аёлингизнинг ҳомиладорлик вақтига тўғри келса, билингки, сиз ўз фарзандингизниг носоғлом туғилишига ўзингиз сабабчи бўлиб қоласиз.

## ОРЗУЛАР АРМОНГА АЙЛАНМАСИН

Инсон анжир, шафтоли, анор каби меваларнинг пишиб-етиладиган мавсуми, вақти-соати борлигини яхши билади. Мевалар пишиб етилгандагина уларни узишга, истеъмол қилишга киришади. Баъзи одамлар эса, боғларидаги меваларни қандай парваришлас, ҳосилини қачон йиғиб-теришга киришиш мумкинлигини яхши билганлари ҳолда, ўз кучоқларида, ўз оилаларида ўсиб-улғаяётган мевалари – фарзандларининг вояга етишига аҳамият бермайдилар. Орзу-умидлар туфайли уларни ғўрлигидаёқ «узиб», катта хатога йўл қўядилар. Гап нима ҳақида кетаётганини фаҳмлаётгандирсиз. Айрим ота-оналар

Ўғил-қизларини балоғат ёшига етиб-етмасданок уйлашга, турмушга узатишга шошиладилар, орзу-хавас кўргилари келади. Натижада ҳали оилавий ҳаётга тайёр бўлмаган йигит ёки қиз оиланинг кадрига етмаслиги, бу ҳақдаги тушунчаси ва тажрибаси камлиги, айниқса қиз боланинг руҳан ва жисмонан оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги оқибатида келиб чиқаётган ҳар хил нохушликлар туфайли оилалар бузилмоқда. Кейинги пайтларда эрта қурилган оилалар орасида ажралишлар сони ортиб бормоқда. Орзулар армонга айланган ҳоллар ҳам учраб турибди.

Моҳичехра мактабда устозларининг топшириқларини доимо сидқидилдан бажариб, ҳамиша раҳмат оларди. Унинг қалби қайноқ, тили бийрон, ёзган шеърлари дўсту-дугоналарини лол қолдирар, унинг чакконлигини айтмайсизми, мактабда биттагина эмас, ўнта Моҳичехра бордек, ҳамиша ҳамма ерда тайёр эди. Деярли барча фанлардан аъло баҳога ўқир, қачонки мактабда «Билимлар беллашуви», кўрик-танловлар ўтказиладиган бўлса, ўқитувчилар Моҳичехрани талашишар, унинг мусобақаларда ютиб чиқишига ҳамма қаттиқ ишонарди. Уйда бўлса, ойисининг жонига оро – дастёри, дадажонисининг еру-кўкка ишонмайдиган нури дийдаси. Ҳамиша ойисига: «Ойижон, мен ўқишни битирсам, бошланғич синф ўқитувчиси бўламан, биласизми, жажжи ўқувчиларни ўқитишни жуда-жуда яхши кўраман», – деб унинг бўйниларида кучиб, эркаланар эди.

Боласидаги бу орзуларга она ҳам қўшилиб қувонар, қизгинасининг яхши ниятлари амалга ошишини тилаб, «Оллоҳим, боламини кўпнинг қаторида ўзинг асрагин, унинг муродларига етказгин», – деб дуолар қиларди. Фақат отаси Собир заргаргина қизининг бунчалар чарақлаб кетишини, бунчалар бийронлигини унча ёқтирмас, »Қиз бола бировнинг хасми, уни эгасини топиб узатишдан кўра савобли иш йўқ» дегандай,

баъзан кизининг эркаланиб, «Дадажон, мени ўқитасиз-а? Мен бошланғич синф ўқитувчиси бўламан», – деган умидли саволларига: «Кўрамиз қизим, ўша кунлар келаберсин-чи», – деб совуққина жилмайиб кўярди. Собир аканинг бундай нохуш муомаласини кўрганда, Холинисо опа, эримнинг қалбидаги бу совуқ шабада бир кун келиб довулга айланмасин-да, деб хижолат тортарди-ю, кизига билдирмасликка уриниб, «Қизим, бахтимизга дадажонинг омон бўлсин, албатта сени ўқитамиз», – деб унинг кўнглини кўтарарди.

Бир куни ойисининг бу сўзларида қандайдир кўнгил хижиллик аломати борлигини пайқаган зийрак Моҳичехра деди:

– Ойи, у куни Зумрад аммам келганларида дадам билан жиддий бир масала устида тортишаётганларини сезиб қолдим. Зумрад аммам дадамга, ахир не бўлгандаям қиз бола бировнинг хасми, ака, деб турганида менинг шарпамни сезиб, гапни бошқа томонга буриб юборди. Ишқилиб, аммам дадамни йўлдан урмасин-да, ойижон...

– Йўқ, кўнглингни тўқ қил қизим, сен ҳеч нарсадан шубҳаланма, мен бор эканман, сен оқила қизимнинг умидлари ушалиши, орзулари амалга ошиши учун бор кучимни ишлатаман, Моҳимбону, – деди Холинисо опа. (У кизини эркалаб шундай деб атарди).

Моҳичехра болаларга хос соддалик, ишонувчанлик билан бошқа ўйларга бормади. Яна ўқиш, мактабдаги тадбирларда фаол қатнашиш, шеър ёзиш, шеър ёдлаш билан банд бўлди. Кунлар кетидан кунлар ўтди. Ҳаёт гўё оқаётган дарёдек шитоб билан оқиб ўтарди, карангки, ҳаёт дарё бўлса, инсон кирғок ролини бажарар экан. Агар кирғок мустаҳкамлигини бир дақиқагина бўшатса, сув кирғокни ювиб, йўлини ўзгартириб, ўзанини янгилаб, ўз ҳукмига соларкан. Моҳичехранинг ҳаётида ҳам шундай воқеа содир бўлди.

Ҳадемай мактабни аъло баҳоларга томомлаган Моҳичехра қалбидаги орзуларини амлга ошириш мақсадида ҳужжатларини тайёрлаб, дугоналари билан тумандаги педагогика коллежига топширгани боришди. Коллежга ҳужжат топширгани тумонат одам келган, мактаб битирувчилари шунчалар кўп эдики, қизлар ҳар қанча уринишмасин, ўша куни ҳужжатларини топшириша олмай, уйларига қайтишди. Холинисо опа қизини қаршилаб, уни бағрига босди.

– Келдингми болажоним, ҳужжатларингни топширдингми ?

– Йўқ ойижон, эртагага қолди, одам жуда кўп экан, навбат тегмади.

– Майли қизим, шошилмай топширасан-да. Кир, ичкарига кириб уст-бошларингни алмаштириб чиқ. Кечки овқатга тайёргарлик кўрайлик, ҳозир даданг ҳам келиб қолади, – деди Холинисо опа юзида қандайдир ташвиш билан босиқ овозда.

Ойисидаги бу кайфиятни Моҳичехра сезди, негадир кўнгли хира тортиб, хонасига кирди. Кирибок ўзини диванга ташлади, бошида аллақандай нохуш фикрлар ғужғон ўйнади. Орзулари гўёки довулда қолган, лаб очиб улгурмай, ерга эгилган гул гунчаларидек барбод бўлаётганини ўйлаб, маҳзун аҳволга тушди. Аммаси Зумрадхоннинг негадир серкатнов бўлиб қолгани, дадаси билан ошқора эмас, кўпинча шивир-шивир қилиб гаплашишлари унинг қалбида гумон уйғотганди.

Бир юмуш билан уйга кириб келган Холинисо опа қизининг паришонхотир ўтирганини кўриб:

– Моҳи, нега мунча беҳаловатсан қизим, – деди-ю, жавоб кутмай шошилиб чиқиб кетди. «Ишқилиб қизимнинг дадасига инсоф бергинда Оллоҳим, – ўйлаб қолди у, – яна у кунги ўзи айтган масалани, мақсадини амалга оширмасин-да...»

Ҳақиқатан тунов куни қайинсинглиси Зумрадхон келган эди, ака-сингил нима ҳақдадир шивир-шивир гаплашдиларда, Собир ака хотинини чақириб, унга деди:

– Аяси, Зумрад мен учун ким эканлигини яхши биласан, у менинг фақатгина синглим эмас, отамдан, онамдан қолган ёдгорим. Онам ҳам, отам ҳам оламдан ёш ўтдилар, синглим менга онам ўрнида қолди. Онажоним ҳамиша насиҳат қилиб, менинг боримдаям, йўғимдаям синглингни йиғлатмагин болам, хафа қилмагин, ёлғиз қизим, менсиз ўқсиб қолмасин, унинг кўзида ёш кўрсам, икки дунём қорнғу бўлади, дерди. Мана бугун у кўзида ёши билан турибди рўпарамизда. Аммо бу ёш ўкинч ёши эмас, севинч ёши. Ўғли Комилжон армиядан келганидан бери синглимнинг қувончи ичига сиғмайди. Комилжоннинг бошини иккита қилиб, орзу-хавасларини рўёбга чиқармоқчи. Шу сабаб бизга ҳадди сиғиб, маслаҳат сўраб келибди. Сен нима дейсан хотин? – Собир ака хотинига зимдан синовчан назар ташлади.

Холинисо опа шошиб қолди, нима деб жавоб беришини билмай серрайиб туриб, чуқур нафас олди-да:

– Дадаси, Зумрадхоннинг орзу-хаваслари амалга ошсин, тўйлар кўрсин, Комилжондай йигитнинг тенги, оладиган қаллиғи ҳам ўзига муносиб бўлсин, деймиз-да. Синглингиз ниятларига эришсин илоҳим, – деди кўнглини кемираётган хавотирни сездирмай. Ишқилиб, Моҳичеҳрадан гап очмасин-да, қизим бечоранинг орзу-умидлари барбод бўлмасин-да, деб ичи ёнарди унинг.

– Ҳа. баракалло, Зумрад, келинойинг сени қанчалар яхши кўришини, сени хурсанд қилиш учун ҳамма нарсага тайёр туришини биламан-да, – Собир заргар шундан бошқа гап қилмади.

Холинисо опа ўшандан бери нима қиларини, нима деярини билмай, бу ҳақда қизига айтиш-айтмасликка иккиланиб, «ичини ит тирнаб» юрган эди. Бирдан дарвоза томондан машина сигнали эшитилди.



– Вой ҳозир, дадаси, ҳозир очаман дарвозани, Моҳи, югур кизим, дадажонинг келди, дарвозани оч! Қизи ҳадеганда чиқавермагач, ўзи югуриб бориб дарвозани очди. Собир ака негадир жуда хурсанд, унинг юзидан кайфияти зўрлиги кўриниб турарди.

– Дадаси, яхши келдингизми, хурсанд кўринасиз.

– Э, онаси жуда хурсандман, сениям хурсанд қиламан.

– Вой, хурсандчиликка етказсин, дадаси.

– Биласанми хотин, бугун даданг, акам, Зумраднинг кайнотаси Ҳожи бобом билан тўпланишдик. Комилжон билан Моҳичеҳрани унаштирадиган бўлдик, ҳаммалари рози бўлишди. Бизни кўллаб-қувватлашди, хотин.

Холинисо опа бу хабарни эшитиб, бошидан бир пакир совук сув куйилгандек бутун танасидан муздай тер чикиб кетди.

– Дадаси, бечора қизингизни ўқиши нима бўлади, ахир сени ўқитаман деб ваъда берувдингиз, ваъдангиз нима бўлади? – деди у йиғлаб юборишдан зўрға ўзини тийиб.

Моҳичеҳра ойисининг овозини эшитиб ташқарига шошилди. У ойисининг қалтироқ овоз билан айтаётган сўзлари маъносини тушунолмаётган бўлсада, ота-онаси ўртасида ўзи ҳақида қандайдир жиддий гап бўлаётганини сезиб, устунга бемажол суяниб қолди.

– Менинг гапимни эшитиб хурсанд бўласан десам, сен нималарни ташвишини қилиб ётибсан? – деди Соли заргар хотинига қараб зарда билан. – Мен айтган сўзини уддасидан чикиб келган Соли заргарман, кўлимда тилла-ю кумуш ўйнайди, битта кизини ўқита олмайдиган лапашанг эркак эмасман. Жиянимиз Комилжон армияни тамомлаб, имтиёзли справкалар билан келяпти. У университетга киради. Тўйдан кейин Моҳичеҳрани ҳам Фарғонадаги педколлежга жойлайман. Қўлимда эмас, бошимда кўтариб катта қилган, жону дилимдан-да қимматли қизимниг кўзини ёшини тўкиб қўймайман, билдингми? Уларга Фарғона шаҳридаги янги қурилаётган уйлардан уч хона-

ли битта квартира олиб бераман. Ўша ердан иккаласи ҳам ўқишларига қатнайберади. Ахир Фарғонани кўряпсан-ку, бутунлай бошқатдан қуриляпти. Бу ҳаммамизнинг бахтимизку, хотин, ўшанда биз ҳам етаклашиб, набираларимизни кўргани борамиз, шаҳар чиройидан баҳраманд бўлиб сайр қиламиз.

– Ахир дадажониси, қизингиз ҳали ёш, 17 га ҳам тўлгани йўқ. Шу орзу-умидларни ҳеч йўқ бир икки-йилдан кейин ҳам амалга оширсак бўлади-ку, – деди ийманибгина Холинисо опа. Чунки эри жуда чўрткесар, бир гапли, сўзини ерда қолдирмайдиган одам бўлиб, унга гап қайтариш ўта мушкул муаммо эди.

– Агар, – деди Соли ака кўрслик билан, – менинг режаларим сенга ёқмаса, раъйимни қайтарсанг, марҳамат, ихтиёринг ўзингда. Қизинг ҳам ўзинг ҳам мана шу данғиллама уйда қолишаверасан. Сен, бошқа, гапингга кирадиган эрга тегасан, қизингни ҳам икковингга мос келадиган биттасига берасан. Мен эса тўнимни елкамга ташлаб, уйдан чиқиб кетаман. Соли заргар кўчада қолмайди, билиб қўй, агар кетмасам, отамнинг ўғлимасман, қарорим қатъий, эшитдингми?

У шундай деди-да, дарвозани зарб билан очиб, ташқарига чиқиб кетди. Холинисо опа нима деярини билмай, кўзи жикка ёшга тўлганича, силласи қуриб, айвон устунни тагига ўтириб қолган қизига қаради-ю, юрак-бағри эзилиб кетди. Аста бориб Моҳичехранинг ёнига ўтирди-да унинг бошини силаб, бағрига босди.

– Жоним қизим, дадангнинг феълини биласан. У сени жонидан ҳам яхши кўради. Ахир ўқитаман деди-ку. Комил акангга унаштираман дегани Фарғонага икковингни ҳам ўқишга жойлайман дегани, яна уларга уй олиб бераман, деган сўзларини эшитдинг-ку, қизим. Агар анови улфатларининг ўғилларими, синалмаган бирортасига деганида, сен ҳам, мен ҳам рози бўлмасдик, ахир Зумрадхон сени мендан ҳам кўпроқ эъзозлайдиган меҳрибон амманг, она қизим, буларни мулоҳаза қил.

– Ахир ойижон, – деди тўлиқиб-тўлиқиб йиғлаётган Моҳичеҳра, – Комил акам яқин қариндошимиз-ку, яқин қариндошлар оила қуриши яхши натижа бермайди, бу ҳақда кўп эшитгансиз.

– Қизим, одамлар айтаверишади, нега унда «Алпомиш» достонида ака-уканинг фарзандлари Алпомиш билан Барчин оила қурадилар? Улар ҳам ўзбек-ку, бизларга ўхшаб.

– Ойижон, Алпомиш билан Барчин яшаган даврларни ҳозирги давр билан тенглаштирманг. У вақтларда табиат тоза ва мусаффо, одамлар ҳам соғлом эди. Инсоннинг кондан-қонга ўтувчи, ирсий касалликлари ҳозиргидагидек эмасди. У замонларда ҳар қишлоқда медпункт, ҳар туманда 3-4 тадан касалхона бўлмаган, бунга одамлар муҳтож эмасди. Бугун дунёнинг энг катта муаммоси инсонларнинг соғлигини сақлаш-ку, ойижон. Шу боис тиббиёт соҳаси яқин қариндошлар билан қуандачиликка қарши туради, – ўпкаси тўлиб, тўлиб хўсинди киз.

– Жоним болам, ахир дадангнинг гапларини эшитдинг-ку, унга қарши бирор оғиз ортикча гап сиғадиган хонаси қолмади, менга ўзи етарли, сенам ортикча қилмагин, мен нима қилай, – Холинисо опа кўзидан оққан дув-дув ёшини енги учиди артганича уйга кириб кетди.

Моҳичеҳранинг қулоғи остида дадасининг: «...Мен эса тўнимни елкамга ташлаб, уйдан чиқиб кетаман, Соли заргар кўчада қолмайди» деган заҳарханда гаплари жаранглади. «Дарвоқе, дадам бир сўзли одам, ойижонимнинг қўлидан нима ҳам келарди...» деган фикр билан бироз таскин топгандай бўлди киз...

Соли заргар айтганидек бўлди. Данғиллама тўйлар ўтди. Комилжон тест синовларини муваффақият билан топшириб, университетга кирди. Моҳичеҳрани шаҳардаги педагогика коллеж ўқишга жойлашди. Келин-куёв ўзларида йўқ қувонч

билан ўқишларига қатнаб юришди. Бирок Моҳичеҳранинг ранглари сўлғин, кундан-кунга озиб борар, негадир соғлиги яхши эмас, ичида бир аниклаб бўлмас оғрик безовта қилар, айтай деса тортиниб, уялар эди. Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Тўйдан кейин уч ой ўтган, аммо Моҳичеҳранинг соғлиги кундан-кун ёмонлашиб борарди. Охири бўлмади, ойисини чакиртиришди, дадаси ҳам етиб келди. Моҳичеҳрани касалхонага ётқизишди, узоқ даволатишди, натижа бермади. Замонавий аппаратлар ёрдамида аниқ ташхис қўйишди – ҳомила бачадон ташқарисида ўсган, аммо вақтида олди олинмагани учун бачадонда яра пайдо бўлиб йиринглаб кетган, зудлик билан операция қилиш керак...

Операция узоқ давом этди, ноилож бачадон ҳам олиб ташланди. Моҳичеҳра узоқ ётди касалхонада. Бундан кейин фарзанд кўрмаслигини билган бечора қиз йиғлайвериб, ўзини ўзи адо қилаёзди. Касалхонадан қадди букилган, ранги сўлғин аҳволда уйига қайтди. Врачларнинг тавсиясига кўра беморни эҳтиёт қилиш, парваришини яхшилаш, иложи борича яқин кишилари билан вақтинча учраштириб, ўтини янгиласликни тавсия қилдилар. Орадан икки-уч ҳафта ўтиб, бемор оёққа турди. Эшик-эликка ўзи чиқиб келадиган даражада қувватга кирди. Қизларидан хавотирланавериб, адойи тамом бўлган ота-онасига уни кўришга дўхтирлар рухсат беришди. Ҳовлига кириб келган Соли заргар билан Холинисо рўпараларида ойдек очилган қизларини эмас, бетлари бир тутам, қадди-қомати букик, сўлғин чеҳрали аёлни кўриб, уни бағриларига босиб юм-юм йиғладилар. Моҳичеҳра онасини кўксидан ўзини тортиб, отасига талпинар, унинг бўйниларида кучиб, бор овози билан ўқирар, фарёд урарди.

– Дадажон, кўлимдамас бошимда кўтариб катта қилганман дердингиз, қизингизда нима қасдингиз бор эди, дадажон! Бошингизда кўтарган қизингизни нега энди оёғингиз ости-

да мажакладингиз, нега мажруҳ қилдингиз, дадажон! Оёқ-қўлимдан жудо бўлсам майли эди, энг катта бахтдан – она бўлиш бахтидан жудо бўлдим-ку! Энди менга ҳаётнинг нима кизиғи қолди?!

Соли заргар чидаб туrolмади, кизини бағрига босиб, ҳеч қачон намланмаган кўзларидан шашкатор ёш оқиб, ўкириб йиғлаб юборди.

– Жон кизим, даданг ўлсин, орзу-ҳавас деб шошилибман, кўзимни парда босганини билмабман, кечир, мен орзуси армонга айланган отангни кечир... Бу кўргулик мен учунгина эмас, яқин қариндошлари билан куда бўлиш истагида юрган одамларнинг барчаси учун дарс бўлди, кизим. Ўзинг соғ қолдинг, шунисига ҳам шукур. Бундан буён бор кучимни, бор қувватимни, молу дунёмни сенинг бахтинг учун, сенинг кўнглингни очилиши учун сарфлайман, болажоним.

Соли ака кўзларини артар экан, рўбарўсида ҳаётнинг оғир зарбасидан бағри яра, кўзлари жиққа ёш билан турган синглиси Зумрадни кўриб, баттар эзилиб кетди. Кўни-кўшнилари, бу қайғули манзаранинг гувоҳи бўлганлар Соли аканинг, Холини-со ва Зумрадхоннинг, Моҳичехранинг кўнгилларини кўтариб, уларга сабр-тоқат тиладилар.

Ҳа, инсон ҳамма нарсага кўникади. Бу «довул»лар ҳам ўтиб кетиб, тинчланар. Аммо Комилжон бахтиқаро Моҳичехра – туғмас хотин билан яшаб, фарзандсиз ўтишга рози бўлармикан?.. Зумрад аммаси-чи? Буёғи бизга қоронғу. Фақат ота-оналар орасидан яна Соли заргарлар чикмаса, киз узатиб, ўғил уйлашда юқоридагидек нохуш ҳоллар учрамаса деймиз. Ҳар бир ота-она бу борада ҳаёт ва тиббиёт талабларига мослаб иш тутсалар яхши бўларди.

## СОҒЛОМ ФАРЗАНД ОРЗУСИ

Фарзанд – оила қувончи, ота-онанинг бахти. Оилада ҳеч қачон, ҳеч кимни, дунёга келадиган фарзанддек ҳаяжон билан қутилмаса керак. Чакалоқнинг эсон-омон дунёга келиши ота-она ва барча яқинлар учун бир олам қувонч. Агар фарзанд соғлом туғилса, бу қувончга яна қувонч қўшилади. Худо кўрсатмасин, фарзанд носоғлом, ногирон ҳолда дунёга келса, бундан оғир мусибат, бундан оғир кулфат йўқ ота-она учун. Соғлом фарзанд орзуси қандай амалга ошади? Бу масалани ойдинлаштириш учун сиз азиз ёшларга авлоду аждодларимизнинг ҳаётий тажрибаларига асосланиб маслаҳатлар бериб ўтмоқчимиз.

Биласизми, қадимдан ота-боболаримиз оиладаги ҳомиладор аёлларга алоҳида эътибор билан қараганлар. Уларга оғир юк кўтартирмаганлар, бошқаларнинг уларни қаттиқ гаплар билан ранжитишларига йўл қўймаганлар, жуда эҳтиёт қилганлар. Бугунги кунда тиббиёт фани ҳомиладор аёлни эъзозлаш, яхши парвариш қилиб, ҳамиша кайфиятини кўтариш соғлом фарзанд туғилишининг бош омили эканини исботлаган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназар ўзининг «Она ва бола таянчи» китобида бу масалаларга батафсил тўхталиб, шундай ёзади:

«Демак, ҳаётнинг завкли дамларидан ижобий сархушлик билан нафас олаётган, қилаётган меҳнатидан, ижодидан қувонч олаётган, руҳиятида ижодкорлик, яратувчанлик ҳисси барқ ураётган, келажакка ўзгача юксак ишонч билан боқаётган, ҳаётдан мамнун ота-оналар организмида етилган ҳужайралар ижобий таъсирланиб, ўта бақувват бўладилар. Мана шундай ҳужайралар ўзаро учрашганларида бир-бирлари билан чамбарчас боғланиб, кучли биоқувват юзага келади ва шу дақиқадан бошлаб ўзаро бириккан хромосомалар насл

калитлари таъсирида кўп карра кўпайишни бошлаб, ҳомила пайдо бўлади. Аста-секинлик билан биокувват рухий қувватга айланиб, бўлажак чақалоқ ички аъзоларининг шаклланиши шиддат билан ўз ниҳоясига етиши учун ривожлана беради. Бу жараён икки ҳужайралардаги наслий калит белгилаб берган тизимдан ҳеч адашмасдан то 90 кунгача давом этавсради»<sup>10</sup>.

Мана шу 3 ой давомида ҳомиладор аёлнинг соғлигига каттик эътибор қаратилиши, у эъзозланиши ва парвариш қилиниши керак. Агар шу давр ичида ҳомиладор аёл – она организида бирор ўзгариш бўлса, касалланса, кучли антибиотик – дорилар қабул қилса, ёки рухий зўриқиш (стресс)га учраса, ҳомиланинг шаклланиб келаётган ички аъзоларида бирон-бир норасолик вужудга келар экан.

Ҳомиланинг мана шу 3 ойлик даврида ички аъзолари, бош мияси анатомик жиҳатдан шаклланиб бўлади. Айтайлик, шу даврда она каттик рухий зўриқиш – стресс билан яшаяпти. У ҳолда она организида ишлаб чиқариладиган эстроген гормони кўпаяди ва унинг бир қисми ҳомила организмига ўтади. Бу гормон қиз бола ҳомила жинсига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳомила ўғил бўлса, ҳалиги гормон ўғил боланинг жинсий аъзоларига салбий таъсир қилиб, нуқсон келтириб чиқарар экан. Бу нуқсонлар орасида энг кўп учрайдигани гипоспадиядир. Бу дегани сийдик чиқариш канали охирига етмай йўлда очилиб қолади. Бундай болаларга кўпинча Суннатилло, Мусурмонкул, Шоҳназар деб исм кўядилар.

Айтайлик, ҳомиладор аёлда стресс ҳолатининг I даражаси кузатилса, яъни аёл ҳамиша қайнонанинг сиқувлари, эрнинг инжиқликлари туфайли жигибийрон яшаса, у ҳолатда ҳомилада гипоспадиянинг энгил тури учрайди.

«Агар стресс ҳолати II даражага ўтса, уйда ҳар куни қайнона билан уриш-жанжал, ёш аёлнинг ўтиришида, туришида қўним бўлмаса, кўнгли истаган овқатни вақтида тановул

<sup>10</sup>Жуманазар Бекназар. «Она ва бола таъничи». Тошкент, Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2001.34-бет.

килаолмаса (ва ҳ.к) гипоспадиянинг оғир шакллари ривожланади. Яъни уретранинг ташқи тешиги ёрғоқда ёки ораликда бўлиб қолади. Бундай болалар ҳеч ҳам ўғил болага ўхшаб сияолмайдилар ва катта бўлганларида эса, жимога яроксиз бўладилар» .

Оиладаги муносабатлар борган сари издан чикиб, ҳомиладор аёлни парваришлаш ўрнига эр, қайнона, қайнота ҳам камситишлар ва ҳар турли ҳақоратомуз, пичинг гаплар билан азоб бераверса, аёл ўлимига рози бўлиб яшаса, у ҳолда стресснинг III даражаси вужудга келади.

«Окибатда эстрогеннинг катта миқдори ўғил ҳомилага ўтади. Натижада шу гормоннинг қизлик жинсий аъзолари шаклланишига ижобий таъсири, ўғиллик жинсий аъзолари шаклланишига тескари таъсиридан гемофродит (икки жинсли-хунаса) бола туғилиши мумкин. Одатда бундай болаларда ҳам қизлик, ҳам ўғиллик жинсий аъзолари мавжуд бўлади. Тиббий нуқтаи назардан тоза эркак ёки аёл бўлиши жуда ҳам гумон бўлган инсон етишади. Бу эса оиланинг фожиаси. Ахир аёл ҳомиладорлик пайтида стрессга тушмаса шундай ўта аянчли ҳолат мутлақо бўлмасди-ку, ахир! Бундан жамият ҳам, давлат ҳам нуқул ютқазади-ку!»<sup>11</sup>

Юқорида айтилганлардан мана бундай хулоса чиқариш мумкин: Аллоҳ ўз қудрати билан она қорнида соғом ҳомила пайдо қилади. Аммо бу ҳомиланинг ривожланиб, бекаму кўст инсон бўлиб дунёга келиши тамомила ҳомиладор аёл атрофидаги – оиладаги муҳитга боғлиқ экан. Агар муҳит соғлом бўлса, оилада уруш-жанжал бўлмаса, ҳомиладор аёлнинг асаблари қакшамаса, ортиқча ғам-андух ва жаҳл билан яшамаса, аксинча, меҳр, эътибор ва ғамхўрликлар билан қуршаб олинса, ҳамиша хушнуд кайфиятда юрса, ҳомила яхши ривожланиб, соғлом фарзанд дунёга келади.

---

<sup>11</sup>Шу манба, 80-бет.



Олимларнинг айтишларича, она қорнида 3 ойга тўлиб, 4-ойга ўтганда ҳомиланинг бош мия пўстлоқ ости безлари (нейронлар) шакллана бошлайди.

Бу нейронлар бола аклий қобилиятининг ўсишида алоҳида роль ўйнайди. Профессор Жуманазар Бекназарнинг ёзишича, боланинг бош миясида шаклланган нейронларни ахборот оқими билан таъминлаб бориш керак. Агар бу нейронлар ахборот оқими билан таъминланмай қолса, худди магнитофон лентасининг бир қисмига мусиқа ёки бирон ахборот ёзилмай бўш қолгани каби ҳодиса рўй беради. Магнитофон лентасига-ю, вақт бўлганда бирон нарса ёзса бўлади, аммо олимнинг айтишича, бола миясидаги ахборот оқими билан таъминланмай қолган нейронларни кейин янгидан ахборот оқими билан таъминлаб бўлмас экан.

Ахборот оқими нима? Ахборот оқими: она алласи, она севиб тинглайдиган мусиқа, ашула, ёдлаган шеърларни овоз чиқариб айтиш, ашула айтиш, дostonлар ўқиш, ариқда оқаётган сувдаги қуёш нурларининг жилоланишини мириқиб томоша қилиш, ям-яшил майсаларни силаб завқланишдир. Юрий Андреевнинг «Бахтли бўл, ўғлим» асарида бола бош мия пўстлоқ ости безлари бўлган бу нейронларни бош мия «ишчи ходимлари» деб атайди. Бу ишчи ходимлар бола 25 ёшга етганда, 14 миллиардга яқин бўлар экан. Аммо дунёга танилган олимларгина бу 14 миллиард ишчи ходимларнинг атиги 6-8 фоизидан фойдаланар экан. Қолганлари қандай дунёга келган бўлса, шундайлигича одам билан оламдан ўтиб кетади. Қани энди шу нейронларнинг 15-20 фоизидан фойдаланилса, унда инсонда компьютерга эҳтиёж қолмасмиди. Демак, бола она қорнида 4 ойлик ҳомилалигидан токи туғилиб вояга етгунча бўлган даврда бош мия пўстлоқ остида вужудга келаётган нейронларнинг кўпроқ қисмини ахборот оқими билан таъминлаш керак. Бу вазифа она томонидан амалга оширилади. Худди

шунинг учун ҳам айрим ривожланган давлатларда, жумладан, Японияда бу ишга алоҳида аҳамият берилади, 4 ойлик ҳомиласи бор аёлларга алоҳида шароитларни яратиб, уларнинг ҳомилаларини компьютер орқали ўқитмоқдалар. Мақсад бола туғилганда унинг аклий қобилияти кучли бўлсин, бош миядаги 14 миллиард ишчи ходимларнинг 6-8 фоизи эмас, кўпроқ қисми ишласин. Бола туғилганда аклий қобилияти юқори бўлсин. Мана кўрдингизми, азиз ўғлон, болаларимиздаги аклий қобилиятни ўстириш ёки аксинча, анқовлик сифатини кучайтириш ота-она ва боланинг атрофидаги муҳит, кариндош-уруғларининг саъй-ҳаракатлари, ҳомиладор аёлларга берадиган эътиборларига нечоғлик боғлиқ экан.

Чақалок туғилиб бир ёшга етганда унинг бош мияси 2-2,5 баробар катталашади. 4-5 ёшда эса 5-6 марта катталашади. Шу даврда юқорида айтилган нейронлар ҳам кўп карра бўлиниш эвазига шиддат билан кўпаяди. Бу кўпайган нейронларни ҳам ўз вақтида ахборот оқими билан таъминлаб бориш зарур. Шу боис бола катталар билан мулоқот қилгиси, кўпроқ билгиси келади. Катталарга савол беравериб зериктиради.

– Дада, мана бу нима, нега қизил?

– Нега ана бу сарик?

– Ойи, бувам кўзойнак такадилар-у, сиз нега такмайсиз?

– Нега кушлар учиб юради, қўй-қўзилар учолмайди?

Шу каби саволлар билан катталарни зериктиради. Шу боис руслар, бу ёшдаги болаларини «Почемучка» деб суядилар.

Агар русларнинг «Почемучка»лари ойисига, дадасига, умуман, катталарга савол берсалар, улар болага диққат, масъулият билан жавоб берадилар, худди катта одамларнинг саволига жавоб бераётгандек.

Афсуски, бизда айрим ота-оналар, катталар боланинг бундай саволига безътиборлик билан қарайдилар, баъзи ўринларда мазах қиладилар.

– Дада, нега бувим кўзойнак тақадилар, нега сизлар так-майсизлар? – сўрайди 4 ёшли Тохир дадасидан.

– Ҳа, бувинг қаридилар-да.

– Одам қариса нега кўзойнак тақади?

– Кўзойнак тақмаса яхши кўрмайди.

– Кўзойнак тақмаса нега яхши кўрмайди?

– Эй, сени нима ишинг бор? Бор, вақтимни олма!

– Дада, дадажон, айтаверинг, нега одам қариса кўзойнак тақади? Кўзойнак ҳам одамга ўхшаб кўрадимми?

– Санга айтдим-ку, бошимни қотирма, тур, йўқол, зумра-ша!

Бу билан боланинг кўнгли синди, кизиқиши, билиб олиш истаги бўғилди. Бола-да, бир оздан кейин танбехлар эсидан чиқади-да, яна келади:

– Дада, дадажон, мана бу нима?–дейди қўлидаги кичкина-гина магнит ҳалқани кўрсатиб.

– Сен қаердан олдинг буни? – дўк қилади дадаси.

– Асбоб соладиган қутичангиз ичида темир қутичага ёпишиб ётибди, зўрға ажратиб олдим. Айтинг, дада, бу нима?

– Айтдим-ку, менга ўралашаверма деб, бу «шалпангқулок», тушундингми, катта бўлганингда билиб оласан. Бор-бор, аянгни олдига бор! – жеркиб беради ота.

Шу билан боланинг ҳафсаласи пир бўлади. Энди катталардан бирон нарсани сўрагиси келмайди. Сўрасам бақириб беради, деб тортинади. Бу аҳвол кўп марта такрорланавергач, боланинг онги ўсиш ўрнига анқовлик даражаси ўсади. Кейинчалик лоқайд, ҳеч бир нарсага кизиқиб қарамайдиган, китобга, дарсга, янгиликларга кизиқмайдиган болалар шу йўсинда шаклланади. Юқоридаги салбий ҳолатларга йўл кўймаслик, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор бериш ҳар бир ота- онанинг, айниқса ёш ота-оналарнинг диққат марказида бўлиши керак.

## ХОТИМА

Оила куриш бўсағасида турган азиз ёшлар, кишилик дунёсининг олтин кўрғони, жамият тараққиётининг узилмас занжири, бахт бешиги бўлган оила, оила куриш, оилавий ҳаётга қандай тайёргарлик кўриш ҳақида сизларга оз бўлса-да тушунча бердик. Лекин булар оилага доир билимлар денгизидан бир томчи, холос. Ҳали оилавий ҳаёт гулшанига киргунингизча ва кирганингиздан кейин ҳам кўплаб ўқишингизга, одамлардан тинглаб, ўқишингизга тўғри келади. Инсон бахтни ахтарса, оиладан топади, оиласида бахтли бўлмаган одам бошқа ерда бахтли бўлолмайди, деган ҳикмат мавжуд. Мамлакатимизда оила ва унинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий макоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Юртимизда оилани мустаҳкамлаш, ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йилнинг «Оила йили», 2012 йилнинг эса «Мустаҳкам оила» йили деб номланиши бу муқаддас даргоҳ давлат ва жамият диққат марказида турганини билдиради. Шундай экан, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш йигит-қиз оилани муқаддас билмоғи керак.

Кейинги вақтларда ёш оилалар орасида ажралишлар сони камаймаяпти. Бу оилавий ҳаётга жисмонан ва руҳан тайёр бўлиб етилмаган ёш қизларни турмушга бериш, шундай ўғилларни уйлаб қўйиш каби ҳолатларнинг натижасидир. Бугун ота-оналар, педагоглар ва кенг жамоатчилик орасида ёшларга ўрнатилган тадбирлар ўтказилиб турилибди, лекин етарли даражада эмас. Эллик йил ва ундан ортиқ вақт мобайнида аҳил-иноқ яшаб келаётган, ўғил-қизларининг орзу-ҳавасини кўриб, ўзларининг «Олтин тўй»ларини нишонлаётган эр-хотинларнинг ибратли умр йўлларини тараннум

этадиган, элга машхур килиб ёшларнинг хавасини келтирадиган телекўрсатувлар, қисқа метражли фильмлар эса ҳали жуда кам. Бунинг ўрнига жуда кўп ҳолларда, айниқса тижорат телеканалларининг дастурларидан қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар, жанжаллар, ҳар хил мурасасизликлар ҳақидаги фильмлар кенг ўрин олмоқда. Бундай оилавий можараларни қаламга олган муаллиф ўзининг талантини кўрсатишга уринаётгани яхши, аммо ёшларга ўрнатилган бўладиган воқеликларни ёритиш яна-да яхши натижалар бериши шубҳасиз.



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Хаёт бор экан.....	5
Поклик, ор-номус инсонга хос фазилатлардир.....	9
Тўйдан олдин томоша.....	24
Кимларга уйланиб бўлмайди?.....	31
Ният яхши бўлсада, аммо.....	36
Келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтишлари шартми?.....	41
Никоҳ.....	48
Никоҳ шартномаси.....	49
Орзу-хаваслар ва иллатлар.....	51
Чимилдиқ сирлари.....	57
Садоқат мустаҳкам оила устунидир.....	61
Орзулар армонга айланмасин.....	68
Соғлом фарзанд орзуси.....	78

*Ижтимоий-оқмабон нашр*

Турсунали ҚУРБОНОВ  
Бобосодик ЛАТИПОВ

## ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

*Ўғитлар*

Муҳаррир: А. Содиқов  
Техник муҳаррир: Н. Ҳошимов  
Дизайнер: М. Ҳошимов

Нашриёт лицензияси АИ № 162. 2009 йил 14 август. Теришга 30.01.2013 й.  
да берилди. Босишга 12.02.2013 й. да рухсат этилди. Бичими: 60/84<sup>1/4</sup>. Офсет босма.  
«Calibri» гарнитураси. Шартли б.т. 6,5 Нашр-ҳисоб т. 5,5. Адади 1000 нусха.

Буюртма № **705**

«ФАРҒОНА» нашриёти  
150100. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«ПОЛИГРАФ-ПРЕСС» МЧЖ босмаҳонаси.  
Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «б» уй